Ушбу сонда:

2 МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА 136 нафар кишли ишли бўлди

3 ҚИЗИЛҚУМ АЁЛЛАРИ

8 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 23 август, сешанба № 134-135 (1976)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КИРОЙИ КОЛЛЕЖ ШУНДАЙ БЎЛСА

Ховос тумани Гулбаҳор қишлоғида жойлашган эски бинолардан бири таъмирланиб, касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Тендер танловида ютиб чиққан «Электрмонтаж» хусусий корхонаси лойиҳада кўзда тутилган 1 миллиард 216 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажарди.

Кенг ва ёруғ ўқув ҳамда лаборатория хоналарини ўз ичига олган 600 ўринли янги ўқув корпуси, мажлислар зали, талабаларнинг касб сирларини эгаллашлари учун барча қулайликларга эга устахоналар ёшларга мунтазир.

Коллежни мебеллар билан жиҳозлаш ишларини эса тендер танловида ғолиб чиққан «Барот» хусусий корхонаси ва «Янгиермахсусмебел» масъулияти чекланган жамият амалга оширмоқда.

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ – ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мажлисда 26 август куни очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиниб, бу сессияни юқори даражада ўтказиш, унинг кун тартибига бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган долзарб масалаларни киритиш зарурлиги таъкидланди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур йиғилишда Олий Мажлиснинг қуйи - Қонунчилик палатаси раҳбарияти, қўмита ва партия фракцияларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этгани учрашувга алоҳида маъно-мазмун бағишлади.

Йиғилиш муҳокамасига қўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторларнинг «Хонобод» шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожиали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.

Қуйида ушбу мажлиснинг қисқача баёни эълон қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Кенгаш мажлисидаги ўз нутқида мамлакат парламентининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фаолияти ҳақида фикр юритиб, бугунги куннинг кўпгина долзарб масалалари, шу жумладан, эл-юртимизнинг тинчлигига хавф солиб, барқарорликни таҳдид остида қолдирадиган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатарларга ўз вақтида баҳо бериш ва уларни бартараф этишни ҳаётнинг ўзи ўртага қўймоқда, деб таъкидлади.

Мажлисда Андижон воқеаларини холисона таҳлил қилиш, бу фожианинг асосий сабабларини чуқур ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш ҳозирги вақтда бутун жамиятимизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаётганига эътибор қаратилди.

Бу террорчилик ҳаракатининг иштирокчилари ўз йўли билан, аммо уларнинг ташкилотчилари ҳақида алоҳида фикр юритиш, ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, бу воқеаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ғаразли ва узоқни ўйлаб амалга оширилган қўпорувчиликдан кўзланган асл мақсадни фош этиш, юртдошларимизни бу хуружларни бартараф этиш учун сафарбар қилиш - халқ вакиллари, халқнинг таянчи ва ишончи бўлмиш депутатлар ва сенаторларнинг юксак масъулияти ва асосий вазифасига айланиши зарурлиги тўғрисида давлатимиз раҳбари куйиниб гапирди.

Бугун Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини кўзлаб олиб бораётган мустақил сиёсатни кўролмасдан, уни ўзгартиришга қаратилган бу ёвуз ҳаракатларни, юртимиз шаъни ва обрўсига доғ тушириш, халқаро майдонда унинг юзини ерга қаратиш учун катта маблағ, катта куч ташлаб, туҳмат ва уйдирмаларни тарқатиб, мамлакатимизга нисбатан эълон қилинмаган информацион урушни ким ва нима мақсадда бошлагани ҳақида халқимиз тўла хабардор бўлиши, уни чуқур англаши лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бу - ўта жиддий ва масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўшиш барча раҳбарлар, ҳар бир депутат ва сенатор учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши даркорлиги қайд этилди.

Ана шу масалалар депутат ва сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ҳамда бу борада амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққанлар кун тартибидаги масалаларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил этиб, бу масалаларни ўз қалби ва онгидан ўтказиб билдирган фикр-мулоҳазаларнинг асосий маъно-мазмунини қуйидаги хулосаларда мужассам этиш мумкин.

Биринчидан. Андижонда содир бўлган бу машъум фожиа тарихимизда, халқимиз ҳаётида кўп йиллар давомида битмайдиган оғир яра, жароҳат бўлди. Энг аввало, бу фожиа туфайли қанча одам ҳалок бўлди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардона жон берган ҳарбий-ларимиз бўладими, бегуноҳ қурбон бўлган тинч аҳоли вакиллари бўладими - ҳаммасининг ота-онаси, жигарбандлари, ёру биродарлари бор. Уларнинг ота-онаси, яқинлари олдида бош эгиш, дардига ҳамдард, қайғусига шерик бўлиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Қолаверса, мияси заҳарланган, алданган босқинчиларнинг ҳам ота-оналари борлигини унутмаслик керак.

Иккинчидан. Афсус билан айтиш лозимки, Ўзбекистон шаънига доғ бўлиб тушган бу фожиа ғанимларимизнинг тегирмонига сув қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат тошларини ёғдирган информацион хуружларига сабаб бўлди. Ана шундай ғаразли кучларнинг уйдирмалари Ўзбекистонни бадном қилиш учун уринишларга, мамлакатимизга нисбатан мутлақо асоссиз, айблар қўйилишига олиб келди. Буни барчамиз чуқур тушуниб, зарур хулосалар чиқаришимиз керак.

(Давоми 2-бетда)

Касаба уюшмалари бугун



ЯНГИЛАНИШНИНГ ҲАЁТБАХШ МЕВАЛАРИ

Ҳаётбахш янгиланиш жараёнида ўз сафларида миллионлаб меҳнаткашларни бирлаштирган энг оммавий жамоат ташкилоти - касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Мустақиллик йилларида унинг фаолияти тубдан ўзгарди. Айни пайтда мазкур ташкилот ислоҳотларни олға силжитувчи куч сифатида шаклланиб, ишчи-хизматчилар ҳаётий манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилаётир. Зеро, касаба уюшмалари фаолиятида меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг изчил бажарилишини назорат этиш, жамоатчилик онгида ўзини-ўзи бошқариш кўникмасини тарбиялаш, меҳнаткашлар ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" шиори остида ҳаракат қилиб, бутун эътиборини Президентимиз кўрсатмалари, йўл-йўриқларини амалга оширишга сафарбар этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва қонунларига риоя этилишини таъминлаш ижтимоий ривожланишнинг етакчи омилидир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришлар касаба уюшмаларидан ўз фаолиятларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Эндиликда у ўз обрў-эътибори, нуфузини серқирра фаолияти билан мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қиляпти.

Истиқлол йилларида транспорт ва коммуникацияларни ривожлантиришга Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимиз жаҳоннинг турли портлари ва йирик транспорт йўлларига чиқа олган тақдирдагина ҳаётий муҳим стратегик мавқега эга бўла олади. Шу боисдан кейинги йилларда темирйўл транспортини ривожлантиришга катта ҳажмдаги маблағ сарфлаб келиняпти. Масалан, "Нукус - Мискин - Учқудуқ" янги темирйўли фойдаланишга топширилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. "Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон" темирйўли ҳам барчамизда фахрланиш ҳиссини уйғотди. Хоразм вилоятининг "Тошсоқа" посёлкаси яқинида Амударё узра кўприк қурилишининг тугалланиши мустақиллик йилларининг энг йирик воқеаларидан бири бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида темирйўлларни электрлаштириш ишлари давом эттирилди. "Тошкент - Мароқанд" участкаси фойдаланишга топширилди. Йўловчилар ташишнинг замон талабларидан келиб чиқиб, "Тошкент - Самарқанд", "Тошкент - Бухоро" шаҳарлараро тезюрар поездларининг қатнови йўлга қўйилди. "Келес - Мароқанд" йўналишидаги йўлларни реконструкциялаш лойиҳаси муваффақиятли якунланди. Шунингдек, иш хусусиятлари бир-бирига ўхшаш корхоналар бирлаштириш йўли билан мустаҳкамланди.

Ўз сафларида 350 мингга яқин касаба уюшма аъзосини бирлаштирган республика Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ва унинг тизимидаги ташкилотлар республикамиз мустақиллигининг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча имкониятларни сафарбар этишяпти. Маълумки, тармоққа қарашли корхона ва ташкилотларда янгиланиш жараёни давом эттириляпти. Ички ва ташқи бозор талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ва хизматларнинг янги турларини ўзлаштириш йўлга қўйилди.

Айниқса, кейинги йилларда 217 та янги корхоналарнинг қурилиб ишга туширилиши юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, минглаб одамларни иш билан таъминлаш имкониятини берди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳам касаба уюшмалари вазирлик билан ҳамкорликда фаол иш олиб бораяпти. Кейинги йилларда ихтисослаштирилган урология, кўз микрохирургияси, кардиология, жарроҳлик тиббиёт илмий марказлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Шунингдек, замон талабларига мос қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатяпти.

В.НИКИТИН,
касаба уюшма фаоли

ТЕМИРЙЎЛ ЎТГАН ҲУДУДЛАРДА

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти Сурхондарёда Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темирйўли линияси бўйлаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш ҳамон баланд суръатда давом этиб, турли йирик-йирик ташкилотлар ишчи-хизматчилари тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Энг асосийси улар ўз олдида турган масъулиятли вазифаларни адо этиб, Мустақиллигимиз байрамини шоду хуррамлик билан кутиб олиш ниятидалар.

Айни вақтда Ангрен йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси жамоаси аъзолари Бойсун-Дарбанд оралиғида ер ва тупроқ ишлари ҳамда сунъий иншоотлар қурилишини амалга ошириб, жорий йилнинг июн-июл ойларида 2,5 миллиард сўмлик иш бажардилар. Мазкур иншоотга 550 нафардан иборат ишчи ва 100 дан ортиқ ҳар турдаги қудратли техникалар жалб қилинган. Қурилишни айланганимизда, ишчиларга яхшигина шарт-шароитлар яратилганлигига амин бўлдик. Уларга бепул ётоқхона, иссиқ овқат, махсус кийимбош билан таъминланган. Кўчма медицина хизмати йўлга қўйилган.

Жорий йилда темирйўл қурилишида ишлаётган ишчиларнинг 100 нафар фарзандлари Ангрендаги «Йўлчи» болалар оромгоҳида дам олдирилди. 10 нафарга яқин ишчи нуфузли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклашди. Меҳнаткашлар ўртасида турли хил спорт ўйинлари кенг йўлга қўйилган. Ғолиблар маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

Республикамиз зарбдор қурилишлари

Корхона раҳбари Озодбек Долимов ҳамроҳлигида қурилишда ишнинг боришини кузатдик. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир пайвандлаш, яна кимдир темирбетон ишлари билан банд. Тажрибали ҳайдовчилар эса юк ташиш машиналарини усталик билан бошқаришмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Тошкет йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси жамоаси томонидан бажарилган ишлар билан ҳам танишдик. Мазкур жамоа ишчилари томонидан жорий йилнинг январ ойидан буён 3 миллиард 164 миллион 870 минг сўмлик иш бажарилган. Бу ерда ҳам асосан ер ва тупроқ ишлари ҳамда сунъий иншоотлар қурилиши амалга оширилиб, Хоразм автойўл, Каттақум автойўллар бошқармаси, Когон ва Бўстонлиқ йўл хўжалиги пудрат ва таъмирлаш корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Иш 3 сменада ташкил этилган. Ишчиларни манзилларига бориб келишлари учун транспорт воситалари ажратилган. Муҳими улар ишига қараб, вақти-вақти билан рағбатлантирилмоқда. Бу эса ўз навбатида самарадорликни оширишда асосий омил бўлаяпти. Ҳар турдаги техника-механизмларини шовқини бир зум тинмайди. 220 нафардан иборат ишчилар сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Қурилиш кўлами Бойсундан-Деҳқонобод томон авж олмоқда. Айниқса, Деҳқоноболдаги 67-сонли кўприк қурилиш отрядининг ишидан қувонади киши. Консой участкасида узунлиги 234, баландлиги 41 метрдан иборат кўприк сифатли қурилаётганлигини гувоҳи бўлдик.

Дарҳақиқат, бу ерда ишчилар аҳил ва иноқ. Бунинг натижасида режалар вақтида бажарилмоқда. Тажрибали экскаваторчилар Ўрол Ғаффоров, Рустам Мавлонов, бульдозерчи Акмал Каримов, ҳайдовчилар З.Турсунқулов, И.Аскаровлар номини фахр билан тилга олсак арзийди. Уларнинг астойдил саъй-ҳаракати, ғайрати ва шижоатига таянган ҳолда жамоа аъзолари Мустақиллигимиз байрамигача 1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришни мақсад қилиб қўйганлар. Шуни таъкидлаш жоизки, Деҳқоноболдаги қурилиш объектларини темир-бетон маҳсулотлари билан таъминлашда Қаршидаги янги «Темир-бетон» технологияси масъулияти чекланган жамияти алоҳида ўрин тутади.

Бугун темир йўл ўтган ҳудудлардаги одамлар кайфияти аъло. Работдаги бунёд этилган гўзал ва муҳташам темир йўл бекати ҳаммага қувонч бағишлади.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири



Улуғ байрамимиз арафасида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимидаги «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятида янги маҳсулот – рангли шиферлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўз фаолиятини ўтган асрнинг 60-йилларида шифер ва турли ҳажмдаги асбоцемент қувурлар ҳамда қатор бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан бошлаган корхона учун 14 йил янгиланиш даври бўлди.

Шу кунларда бу ерда «Оҳангароншифер» тамғаси билан ортилган маҳсулотлар темирйўл ва авто йўллар орқали белгиланган манзиллар томон ошиқмоқда. Жамоа ишлаб чиқараётган 6 турдаги бинокорлик материаллари – саккиз тўлқинли шифер, ясси шифер, керакмикали черепица, асбоцемент қувурлар ва ғишт ҳамиша харидоргир. Илгари корхонада фақат оқ рангда шифер ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда қизил, яшил рангли бежирим шиферлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суратларда: «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятининг илғор ишчилари.

Д.ЮСУПОВ
(ЎзА) олган суратлар

ТАДБИРКОРНИ ЧЕКЛАГАН адолатли тарзда жазоланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасидаги қарор ва Фармонлари давр тақозо этган ҳужжатлар бўлиб, улардан кўзда тутилган асосий мақсад – бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш, ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш каби долзарб масалаларни ҳал этишдан иборатдир.

Биз шу ўринда Юртбошимизнинг жорий йилнинг 14 июнда қабул қилган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони юзасидан фикр юритмоқчимиз. Мазкур ҳужжатдаги асосий афзалликлар шундаки, шу йилнинг 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланиш тартиби татбиқ этилди. Шу билан бирга давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш, фаолиятига мувофиқ тарзда текшириш орқали асоссиз аралашувини чеклаш, ҳуқуқларини поймол қилаётган ва ноқонуний қарорларни чиқариш орқали уларга зарар етказаётган мансабдор шахсларнинг бевосита моддий жавобгарлигини ўрнатиб, бундай ҳолатларнинг олдини олишни таъминлайди.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш ҳолатини ўрганиб бориш доимий диққат эътиборда. Аниқланишича, ҳокимликлар томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга шарт-шароит яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларининг ишончли кафолатини таъминлаш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилган ҳамда қарорлар қабул қилинган.

Бироқ ижобий ишлар билан бирга муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманларда мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан дастур ва режалар ижроси тўлиқ таъминланмаяпти.

Масалан, Зомин туманида Давлат рўйхатидан ўтган 3569 та хўжалик юритувчи субъектлардан 952 таси, 1311 та хусусий тадбиркордан 294 таси, хусусий савдо фирмаларидан 55 таси фаолият кўрсатмаяпти. 2003 йил 15 июнда ташкил этилган «Гилос ББ» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси рўйхатдан ўтгандан буён иқтисодий ночорлиги туфайли ишламайди. Шунингдек, 328 та оилавий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтган. Аммо улардан 72 фоизининг фаолияти йўқ.

Қонун барчага баробар

Ушбу корхоналарнинг фаолиятсизлиги сабаблари таҳлил этилганда, корхона раҳбарининг устав жамғармасини ташкил қилолмагани, кредит олишда банклар билан боғлиқ муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди. Масалан, тумандаги Халқ банки томонидан 2004 йилда хусусий тадбиркорларга 6 миллион 691 минг сўм кредит берилган бўлса, 2005 йилнинг дастлабки чорагида умуман кредит ажратилмаган.

Зомин АТ «Пахта банк» бўлими томонидан тумандаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2004 йилнинг 1-чорагида 46 миллион 379 минг сўм итиёзли кредит ажратилган бўлса, бу рақам жорий йилнинг шу даврида 39 миллион 347 минг сўмга камайиб кетган. Натижада молиявий аҳволи ночорлиги туфайли «ВТС», «Абдулла-Акром-Олов», «Фестивал», «Куёвбола», «Фарида», «Ўрикзор-Бодомзор» хусусий корхоналари ўз аризаларига кўра давлат реестридан чиқарилган.

Жойларда ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда 804 та, рўйхатга олишда 57 та, лицензия ва бошқа рухсатномалар беришда 842 та, кредит ажратишда 26 та, солиққа оид ва маъмурий жавобгарликка тортишда 4838 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Идоралар бўйича таҳлилга кўра архитектура-қурилиш идораларида 26 та, энергия таъминотида 106 та, статистика идораларида 102 та, тижорат банкларида 225 та, ДСЭНМда 106 та қонунбузилиш ҳолатлари юзага чиқди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Адлия бошқармаси томонидан 130 та тақдимнома, 12 та огоҳнома, 6 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 97 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 14 таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Тадбиркорликнинг қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 13 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди.

Й.ОЧИЛОВ,
Жиззах вилоят Адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ – ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

(Боши 1-бетда)

Учинчидан. Шу кунларда Мустақиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш масаласи бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, Андижон воқеаларида ўзини кўрсатган, мардлик ва матонат фазилатларини намоён этган йигитларимизни ҳам мукофотлаш юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, изтироб билан айтиш лозимки, ана шу йигитлар қаторида хавфсизлик хизмати, ички ишлар, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилган 7 нафар марҳум ўғлонларимиз бор. Ҳали ҳаётга тўймаган, юрагида орзу-ҳаваслари кўп бўлган бу йигитларнинг таржимаи ҳоли, хизмат фаолияти билан танишар экан, одам ҳайратда қолади - юрт бошига иш тушганда, хавф тушганда улар ҳеч иккиланмасдан, ўзини четга олишни хаёлига ҳам келтирмасдан, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

Униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз орасида ўзининг жонини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун фидо этишга тайёр бўлган шундай довюрак ўғлонларимизнинг борлиги - Ватанимизга ғаразли ният билан кўз олайтирадиган ҳар қандай босқинчилик ва тажовузкорлик уринишларининг олдини олиш, муқаддас заминимизни барча хатарлардан ҳимоя қилишнинг ишончли ва мустаҳкам кафолатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу муносабат билан ҳар қайси ўзини эр йигит, мард деган инсон - у ким бўлмасин, оддий деҳқон ёки ишчими, депутат ёки сенаторми - ўз-ўзига шундай савол билан мурожаат қилиши табиий: агар мен ана шу йигитларнинг ўрнида бўлсам, ўзимни қандай тутардим? Ўзимни аямасдан, ширин жонимни, ҳаётимни юрт учун беришга қурбим, мардлигим етармиди?

Мана шундай қалби, юраги пок, қатъиятли, мард йигитларга тарбия берган, уларни вояга етказган, оқ ювиб, оқ тараб, Ватан ҳимоясига, ҳарбий хизматга йўллаган ота-оналар ва маҳалла-кўй жамоатчилигига, уларнинг қариндошлари ва яқинларига ҳар қанча тасанно ва миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида шундай ўй-хаёл, шундай фикр билан яшайдиган, ўзини ҳар қандай синовга тайёрлаб юрган жасур йигитларимизнинг кўплиги одамга куч-қувват ва ишонч бағишлайди.

Тўртинчидан. Андижонда содир бўлган воқеаларга муносабат билдириб, матбуот ва телевидениедаги, фуқаролар орасидаги кўпгина чиқишларга баҳо бериб, мажлис иштирокчилари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаганини афсус билан таъкидлашди. Аввалambor, депутат ва сенаторлар, жамоатчилик етакчилари ва кайвонилар кўпроқ юзаки, таъсири йўқ, эски қолиплар доирасида ўралашиб қолгани, аксарият ҳолларда жиддий таҳлиллар ўрнига, масалани чуқур очиб бермайдиган саёз усул ва шакллар устунлик қилгани айтиб ўтилди.

Албатта, буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб турган сайловчиларимиз, юртдошларимиз барчамизга қандай баҳо бермоқда? Бу савол ҳар қайси раҳбар, депутат ва сенаторни шу ҳақда жиддий ўйлашга, фикр юритишга даъват этади.

Мажлисда шу фикрлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларнинг атрофида кўпгина танқидий ва ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган мулоҳазалар билдирилди, оғир ва қаттиқ саволлар ўртага қўйилди.

Шу борада, минг афсуски, ҳали-бери орамизда кўп учрайдиган иллатлар - бепарволик, лоқайдлик, оч қорним - тинч қулоғим, деган фалсафа билан яшашни ўзига маъқул кўриш, мураккаб синовлардан ўзини олиб қочиш каби эски асоратлар, кўпгина раҳбар ва мансабдорларга, вазифада ўтирганларга хос бўлган сен - менга тегма, мен - сенга, деган номақбул қарашлар бошимизга иш тушган айнан мана шундай дамларда ўзини яққол намоён қилади.

Ўзининг шахсий манфаатларини, бугунги ва эртанги ҳаловатини халқ манфаатидан устун қўйиш, ҳар эҳтимолга қарши, ким билади, эртага замон ўзгарса, мен қай аҳволда қоламан, қандай мансаб ва имтиёзлардан жудо бўламан, деб ўйлаш ва шундай фикр билан яшаш - айрим вазифа курсисида ўтирган шахслар учун одатга айланиб қолгани ҳам, афсуски, ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаммамиз бир нарсани яхши тушуниб, ўзимизга хулоса қилиб олишимиз керак. Ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган, депутат ёки сенатор ваколатига эга бўлган ҳар қандай инсон халқимизга қарши, эл-юртимизга қарши қаратилган зарбани, керак бўлса, найзани - аввало унинг ўзига қаратилган ҳаракат, деб қабул қилиши даркор. Ва бу хавфни кўкрагини қалқон қилиб, худдики ўзининг юрагига найза урилаётгандек қабул қилиши керак. Агар бундай мардлик кўрсатиш учун қурби, куч-қудрати, ақл-заковати етмаса - уни раҳбар ёки депутат бўлишга ҳеч ким мажбурлагани йўқ.

Мажлисда «АҚШ қуролли кучларининг контингентини «Хонобод» аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаати тўғрисида»ги масала атрофлича муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторлар сўзга чиқиб, шу масала юзасидан фуқаролардан кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳақида ахборот беришди. Сўнгра, «Хонобод» аэродромидан фойдаланаётган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини у ердан олиб чиқиш зарурати тўғрисида далил-исботлар баён қилинди.

Мазкур мурожаатда «Хонобод» аэродроми атрофида истиқомат қилаётган кишиларни, бутун Қашқадарё вилояти аҳолисини ташвишга солаётган қатор сабабларга эътибор қаратилди. Аввало, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли оғир самолётларнинг учиб-қўниши атроф-муҳитга, вилоятнинг табиатига, аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аэродром атрофида истиқомат қилаётган аҳолининг қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ ишларида, кундалик ҳаёт тарзида кўплаб муаммолар туғдирмоқда.

Сенат Кенгаши қашқадарёлик сенаторларнинг мурожаатини атрофлича муҳокама қилди ва уни қўллаб-қувватлаб, бу масалани Сенатнинг навбатдаги сессияси йиғилиши муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Бу масала юзасидан бўлиб ўтган фикр алмашув ва муҳокамалар чоғида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилди.

«Хонобод» аэродромида жойлашган АҚШ ҳарбийларининг кейинги тақдири, юридик ибора билан айтганда, уларнинг статуси ҳақидаги масала Ўзбекистон томонидан 2002 йилнинг охирида АҚШ раҳбарияти вакиллари олдига қўйилган эди. Яъни, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимда кўрсатилган муддат - бир йил ўтиши билан бу масала ўртага қўйилди.

Бунда Афғонистон ҳудудида фаол ҳарбий ҳаракатлар тугаши муносабати билан бу аэродромдаги ҳарбийларнинг кейинги тақдири билан боғлиқ масалани ҳал этиш заруратига АҚШ томонининг эътибори қаратилди. Лекин АҚШ вакиллари турли сабабларни рўкач қилиб, бу масалани ечишни орқага суриб келди.

Айни пайтда, ушбу аэродромни Америка ҳарбийларига ажратиш учун Ўзбекистон томонидан сарф қилинган маблағларни қоплаш масаласи бўйича музокаралар ҳам улар томонидан чўзиб келинди.

Олиб борилган музокаралар давомида Ўзбекистон томони дунёдаги энг юксак тараққий топган кучли давлат билан алоқани бузиш эмас, аксинча, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ва шундан манфаат топишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Минг афсуски, давлатимизнинг мана шундай интилишига АҚШ раҳбарияти томонидан эътибор берилмади.

Кенгаш йиғилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон жаҳон миқёсида, биринчи галда Марказий Осиё ҳудудида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун мустаҳкам пойдевор ва кафолатларни ташкил қилиш тарафдори эканини таъкидлашди.

Мажлисда шу фикрга алоҳида урғу берилдики, ҳар қандай ҳудудда бирон бир ҳарбий база пайдо бўлса, унга қарши бўлган, уни йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳам пайдо бўлиши муқаррар. Бу - фалсафа эмас, ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун Марказий Осиёда жойлашган ҳарбий базалар, умуман айтганда, қанча кам бўлса ва уларнинг бу ерда мавжуд бўлишига барҳам берилса - бунинг ўзи шу минтақада, шу ҳудудда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қўшилган энг катта ҳисса бўлади.

Бугун Марказий Осиё минтақасидаги мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир вазиятда Сенат Кенгаши олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалар қаторида сезгирлик ва ҳушёрликни янада кучайтириш масаласини ўртага қўйди.

Бундай ғоят хатарли шароитда давлатимиз, ҳукуматимизнинг мана шундай хавф ва таҳдидларни инобатга олиб, яккаю ягона тўғри сиёсатни танлаб олиши ва юритишида, эл-юртимизни балоқазолардан омон сақлашда, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажакни қуришда барчамиз - биринчи раҳбардан тортиб энг оддий фуқарогача ўз масъулиятимизни сезиб, ҳар қайсимиз ўз жойимизда бизга юклатилган, ишониб топширилган ишни виждонан бажаришимиз даркор.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Ана шу мақсад йўлида, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб боришда барчамиз масъул ва жавобгар эканимизни ҳар томонлама англаб яшашни бугун замоннинг ўзи энг муҳим ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Юртимизда давлат ва жамиятни бошқариш соҳасида демократик тамойилларни чуқурлаштириш борасида кейинги пайтда сезиларли, қатъиятли ислоҳотлар ўтказилмоқда ва улар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда икки палатали парламент тузилди, қуйи палата - Қонунчилик палатаси билан бирга юқори палата - Сенат шаклланди. Ва аввал Президент бошқарадиган ва бажарадиган кўпгина ваколатлар Сенат тасарруфига берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ўзгариш ва янгиланишларни кутишимиз табиий, албатта. Ва ана шундай кенг ва ўта муҳим ваколатларга эга бўлган парламентимиз ўз масъулиятини ошириши ва ҳаётнинг ўзи олдимизга кескин қилиб қўяётган мураккаб ва таҳликали масалаларни ҳал қилишда ўзини кўрсатиши даркор.

Мажлисда катта таассуф билан таъкидланди, Олий Мажлис фаолиятида, айрим депутатларнинг қарашларида ҳали-ҳануз эскича ёндашувлар ҳукм сурмоқда. Бугунги ҳаёт талаблари, бугунги вазият тақозо этган вазифаларни бажаришдаги заифлик, масъулиятни ўзига олмаслик, кимнингдир соясига яширинишга уриниш - ана шундай эскича қарашларнинг яққол кўриниши бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи ўзининг ваколат доирасида ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши зарур.

Ҳам давлат идораси, ҳам ижтимоий идора бўлмиш парламентимиз, халқ ваколатига эришиб, демократик тамойилларни ўз фаолияти учун асос қилиб олган, кўп имкониятларга эга бўлган Олий Мажлисимиз ўз салоҳиятини намоён этиши, давлатимиз олиб бораётган сиёсат, аввалambor, ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз жавобгарлигини кўрсатиши, халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-имкониятини сафарбар қилиши - бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

(ЎзА)

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» анъанавий кўрик-танлови тантанали равишда якунланди. Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмалари, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ» ҒОЛИБЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган ушбу кўрик-танлов ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётир. Онаюрт, мустақиллик, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини тараннум этувчи ашулалар, мусиқий асарлар яратиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур тадбир йил сайин оммалашиб, янгича маъно ва мазмун билан бойимоқда. Кўрикда профессионал хонандалар билан бирга талаба ёшлар, ҳарбийлар, ҳаваскор ижрочилар ҳам ўз истеъдодини намоён этмоқдалар.

Танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан ғолиб чиққан иштирокчилар ҳамда Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, турли давлат қўмиталарининг ижодий жамоалари қатнашдилар.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бадиий жамоаси хонандалари Дилфуза Бозорова ҳамда Гулчеҳра Алиева Анвар Обиджон шеъри, Анор Назаров мусиқаси билан ижро этган «Ёшлар замони» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди.

Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари Шерзод Имомбердиев ҳамда Умид Ҳайдаралиев ижросида Иброҳим Жиянов сўзи ва Шуҳрат Дадажонов мусиқаси билан айтилувчи «Буюк Ўзбекистон», Аббос Бакиров номидаги Андижон давлат ёшлар театри хонандаси Гавҳарой Ҳамидова ижросидаги Бобур Бобомурод сўзи, Алишер Икромов мусиқаси билан айтилувчи «Ватаним», Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маданият уйи ходими Бахтиёр Усмонов халқ сўзи, Раҳматилла Мўминов мусиқаси билан айтилувчи «Бунча кичик бўлурмисан» қўшиқлари учун иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ангрен шаҳридаги «Тарона» ёш қўшиқчи ва созандалар дастаси аъзоси Марҳабо Аҳмедовага Нормурод Нарзуллаев сўзи, Дилором Омонуллаева мусиқаси билан айтилувчи «Зебо юртим», Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани маданият уйи ходими Санжар Турсуновга Маҳмуд Тоир сўзи, Илҳом Жавдатов мусиқаси билан айтилувчи «Ватан туғи», пойтахтимиздаги Мухтор Ашрафий номидаги 7-санъат мактаби ўқувчилари Нигора Исмоилова, Зиёда Қобилова ва Нозима Пўлатовага Фотима Зиёмуҳамедова сўзи, халқ мусиқаси билан айтилувчи «Тошкентим қизлари» қўшиқлари учун учинчи мукофот насиб этди.

Кўрик-танлов таниқли санъаткорлар ва ғолибларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА)



Самарқанд - тарихий шаҳар. Унинг мозийдан хабар берувчи обидалари бугуннинг ифтихори, ноёб бойлиги ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мазкур кўҳна шаҳар янада ўзгарди. Унинг жамолига жамол, кўркига кўрк қўшилмоқда. Янгидан-янги кўплаб муҳташам биноларнинг бўй чўзаётгани истиқлол шарофатидан. Хусусан, «Дельфин» сув спорти мажмуи, «Шарқ» меҳмонхонаси, Ёшлар маркази каби кўплаб янги бинолар шулар жумласидандир.

Айни кунларда шаҳар аҳли яна катта тантаналар олдида турибди. Анъанавий «Шарқ тароналари»нинг бу азим шаҳарда ўтказилиши уларга берилган ишонч бўлиши баробарида катта ифтихор ҳамдир. Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги шодиёналарини эса улар катта туҳфалар билан кутиб олишмоқда.

Суратларда: мустақиллик иншоотлари.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар



ЭНГ КЕРАКЛИ КАСБ

«Сантехгазмонтаж» очиқ хиссадорлик жамиятига қарашли Қашқадарё монтаж бошқармаси бош пудратчилигида бунёд этилаётган Қарши компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи биносида 200 нафардан ортиқ ишчи ва мутахассис меҳнат қилаётир.

- Коллеж биносининг ўрни тўрт ой илгари тептекис майдон эди, - дейди бошқарма бошлиғи Шерали Раҳимов. - Кўриб турганингиздек, ўтган давр мобайнида асосий бино тикланиб, пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Объектнинг 85 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Қарши компьютер технологиялари коллежи қурилиш ҳажми, лойиҳасининг ўзига хослиги жиҳатидан вилоятда ягонадир. У саккизта махсус жараёнлар хонаси, 5 та компьютер кабинети, спорт зали, 220 ўринли ошхона ва мажлислар залига эга. Эътиборли томони шундаки, бошқа коллежлар қурилишидан фарқли равишда бу ердаги барча хоналар эшиклари ва кириш-чиқиш жойлари ногиронлар аравачалари юришига мослаштирилган. Ногирон болалар учун ҳам махсус хоналар ва бошқа шарт-шароитлар яратилган.

- Коллежимизда компьютер технологиялари билан боғлиқ бешта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади, - дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Ғайрат Убайдуллаев. - Бу йил 240 нафар талаба ўқишни бошлайди. Учта кабинетимиз информацион ва коммуникацион технология мутахассислари тайёрлаш бўйича Германия гранти асосида махсус компьютерлар билан жиҳозланади.

ЧОМОҚ МАКТАБИНИНГ ҚИЁФАСИ

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Данғара туманидаги икки мактаб капитал реконструкция қилиниб, тўрттаси капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Туман марказидан анча олисда жойлашган Чомоқ қишлоғидаги 16-мактаб анча хароб аҳволга келиб қолган эди. Умуммиллий дастурга киритилгач, у янги қиёфа касб этди. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Янги спорт зали барпо этилди.

Мактабларни таъмирлашда ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўрт йиллик байрами бўсағасида Қувасой шаҳридаги "Кварц"хиссадорлик жамияти негизида шиша буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги тармоқ ишга туширилди.

50 ХИЛДАГИ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

«Алэста Гласс» шўъба корхонаси Германиянинг "Эмхарт гласс" компаниясининг замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланди. Юқори қувват билан ишлашга ва сифатли маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган мазкур тармоқнинг ишга тушиши корхонада шиша буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, сифатини яхшилашга хизмат қилади. Янги тармоқ йил давомида 120 миллион дона, эллик хилдан ортиқ турли сиғим ва кўринишдаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. Маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинади.

Бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун 7 миллион 734 минг евро сарфланди. Ишлаб чиқариш тармоғини ишга тушириш учун "Асака" ва Германиянинг "Байриш хупо унд верайнсбанк" банклари узоқ муддатли имтиёзли кредит берди. Корхонада иккита ишлаб чиқариш ускунаси ўрнатилди. Беш нафар қувасойлик йигит хориждаги тўрдош корхоналарда янги ускунани бошқариш сирасрорларини ўрганиб келди. Ҳозирда замонавий ишлаб чиқариш тармоғида уч юз нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда.

Корхонадаги шиша пиширish қозонининг қайта қурилганлиги шиша пиширish билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш қувватини бир кеча-кундузда 60 фоизга ортиши ва электр сарфининг камайишига олиб келди.

Истиқлол йилларида корхонанинг салоҳияти ошиб ички ва ташқи бозорда шишасозлик бобида ўз мавқеига эга бўлди. Айни кунда "Кварц" тамғаси туширилган маҳсулотлар Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари бозорига кириб борди. Соҳа мутасаддиларининг маълумотига кўра, 2004 йилда "Кварц" тамғаси билан 2,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулот дунё бозорига чиқарилди. Фақат бугина эмас. Истиқлол йилларида Италиянинг "Текинт" фирмаси билан ҳамкорликда қуриб битказилган ойна ишлаб чиқариш корхонасида икки ва ўн миллиметр қалинликда саккиз турдаги қурилиш ойналари тайёрланмоқда. Йилига ўн миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада тайёрланган маҳсулотлардан мамлакатимиздаги муҳташам иншоотлар, турар-жой, ўқув юртларида фойдаланилмоқда.

«Туркистон-пресс»

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА

136 нафар киши иш билан таъминланди

Аҳолини иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари алоҳида аҳамиятга эга. Китоб туманидаги тадбир бунинг яққол далилидир.

Меҳнат бозорида 28 та ташкилот 243 та иш ўрни билан иштирок этди. Шу куни турли масалалар бўйича 145 киши мурожаат қилди. Ишга жойлаштирилган 136 нафар кишининг 69 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

– Йил бошидан буён бешинчи маротаба ўтказилаётган ярмаркада 334 киши иш билан таъминланди, - дейди меҳнат бўлими бошлиғи муовини Алиқул Раҳимов. – Мақсадимиз аҳолини доимий иш билан таъминлаб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири

Суратларда: меҳнат ярмаркасида.

БИЗНИНГ ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР

Бу йил Мингбулоқ тумани иқтидорли болалар мактаб-интернатининг эллик нафар битирувчиси олий ўқув юртлари талабалари сафига қўшилди. Уларнинг қирқ нафари давлат грантлари соҳиби бўлди.

- Бизнинг педагогик жамоамиз бундай аъло натижадан фахрланади,- дейди қувончини яширмай мактаб-интернат директори М.Мадаминова. - Меҳнатимиз зое кетмади, биз ҳар бир ўқувчининг истеъдодини аниқлаб, уни бўлғуси касбни эгаллашга тайёрлай олдик.

Ўн йил аввал очилган мактаб-интернат қисқа вақт ичида туманнинг энг яхши мактабларидан бирига айланди. Ишга ижодий ёндашув, янги таълим технологияларнинг жорий этилиши, бой мактаб китобхонаси, Интернетга уланган компьютер хонаси - буларнинг ҳаммаси мингбулоқлик ўқитувчилар ва ўқувчилар ютуғининг асосидир.

Истиқлол берган имкон

РАҚОБАТ МУҲИТИ ШАКЛЛАНДИ

Иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳал қилувчи бўғинга айланиб бормоқда. Бу борада Сурхондарё вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти.

Воҳада халқ хўжалигини юксалтириш, уни янги замонавий поғонага кўтариш режалари белгиланган. Жарқўрғон йигирув-тўқув фабрикаси, Шўрчи ун комбинати сингари корхоналарни хорижий, замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватлари 1,5-2 бараварга ортди. Хўжайкон туз конида йилига 50 минг тонна ош тузи ишлаб чиқарадиган корхона, Денов ёғ-экстракция заводида 10 минг тонна совун тайёрлаш қувватига эга янги линия қурилгани, Музробод туманида лойиҳа қиймати 500 миллион сўмлик замонавий «Автокемпинг» мажмуи бунёд этилгани вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшди. «Сурхонтелеком», «Уздунробита», «Сурхон-Ажанта фарма лимитед» корхоналари ҳам вилоятнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўринни эгаллайди.

Рақобат муҳитини шакллантиришнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастури ишлаб чиқилган. Унда мавжуд корхоналар базасида цехлар ташкил этиш юзасидан қатор таклифлар киритилган. Ана шунга мувофиқ Сариосиё туманида «Мезон-Зиё» фирмаси қошида нон ва нон-булка маҳсулотлари, «Шўрчидон маҳсулотлари» очиқ ҳиссадорлик жамиятида полимер қоплар, узун туманидаги «Нур-М», «Бинафша» хусусий фирмалари ҳузурида мармар ва пишиқ ғишт, «Термизқурилишматериаллари» жамоа корхонасида черепица, 1-хўжалик ҳисобидаги масъулияти чекланган жамиятида эшик ва дераза ромлари тайёрланяпти.

Термиз шаҳридаги «Норберт» хусусий фирмасида эшик-дераза, йўлакбоп плиткалар, неопорбетон маҳсулотлари, «Жаҳонжон» хусусий фирмасида суюлтирилган газ сотиш ва автомобилларга газ мосламалари ўрнатиш йўлга қўйилди. Ангор туманидаги «Сурхонэкспорт» масъулият чекланган жамиятга Туркия технологияси бўйича кунгабоқар ёғи тайёрлайдиган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Технологик жараёнлар янгиланган Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс», Узун туманидаги «Узун-Комрон» қўшма корхоналарида жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

Президентимизнинг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш» ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларининг ижроси доимий назоратга олинган. Давлат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувига чек қўйиш, уларнинг эркин ҳаракат қилиши учун кафолатли ҳуқуқий муҳит яратиш, эски замонга хос бўлган маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиб тизимни юксалтириш учун имкониятлар яратилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Тижорат банклари томонидан фермерлик, кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантириш мақсадида 6 миллиард 936, 3 миллион сўм маблағ ажратилиб, 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ушбу маблағнинг 2 миллиард 474 миллион сўмини қисқа ва 4 миллиард 462,3 миллион сўмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Берилган қарзларнинг 6 миллиард 320,8 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келди ва бунинг ҳисобига 1562 киши янги иш ўрнига эга бўлди. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 283, 6 миллион сўмлик имтиёзли микрокредитлар йўналтирилди.

Бандлик дастурини амалга ошириш асосий вазифа бўлиб турибди. Шаҳар ва туманларда ишсизликни камайтиришни назарда тутиб, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси томонидан 550,3 миллион сўм миқдорида имтиёзли қарзлар ажратилиб, шундан 70 миллион сўми бевосита оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун сарфланди ва 389 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари «Тадбиркор банк» орқали 44, 2 миллион, Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан 21 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ҳам берилди.

Хорижий инвестициялар кенг жорий этилмоқда. Европа Тикланиш ва Тараққиёт, Осиё Тараққиёт банклари, Халқаро корпорациялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 5 миллион 832 минг 702 АҚШ доллари ва 6 миллион 710 минг евро миқдоридаги 12 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг натижасида яна қўшимча 1230 та янги иш ўринлари вужудга келиб, ишсизликнинг маълум даражада камайишига ҳисса қўшилди.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Денов филиали томонидан молиялаштирилган 83,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги дастурни амалга ошириш учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки маблағларидан Польша давлатининг С.АЕХМ компаниясидан маъданли сув ҳамда ҳар хил салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган идишни қадоқлайдиган технология олиб келинди. Ҳозирги пайтда корхона бир кунда 4800 литр минерал сув ва салқин ичимликлар тайёрламоқда. 20 дан ортиқ малакали ишчи меҳнат қилаётган жамоанинг маҳсулотлари савдо дўконларида ҳамиша харидоргир.

«Асака банк»нинг Сурхондарё вилоят бўлими томонидан Жарқўрғон туманида жойлашган «Сурхонтекс» қўшма корхонасига Германиядан калава-ип ва бўз маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар олиб келиниб ўрнатилди. Бунинг учун «Асака банк» томонидан 789,4 минг евро ва Германиянинг «DOIZE» банки ҳисобидан 5 миллион 606, 5 минг евро миқдорида кредит молиялаштирилди.

Айни пайтда корхонада 3 миллиард 204,2 миллион сўмлик калава-ип маҳсулотлари тайёрланган. 905,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинган. Қўшма корхонанинг истеъмолчилар билан 3 миллион 983,5 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб бериш бўйича 9 та контрактация шартномалари мавжуд

ЁЛҚИН

ҚИЗИЛҚУМ АЁЛЛАРИ

Бир Фармон шарофати

Президентимизнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида хотин-қизлар мустақиллиги, уларнинг фаол ижтимоий ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шарти эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Навоий вилояти хотин-қизлар қўмиталари фаолияти, энг аввало иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, жумладан вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини йўлга қўйиш ва бу муаммонинг бошқа шаклларидан фойдаланишга қаратилган. 2005 - 2007 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ мавжуд корхоналар қувватини ошириш, микрофирмалар тузиш, кичик ва оилавий бизнесни ташкил этиш орқали 45 мингга янги иш ўринлари юзага келади. Унинг 18 мингтаси хотин-қизлар учун мўлжалланган. Жорий йил бошидан бери меҳнат бўлимларига мурожаат қилганларнинг 6 мингдан зиёди ишга жойлаштирилди.

Аҳоли тиғиз яшайдиган Хатирчи туманида “Тадбиркор аёллар” уюшмаси ва республика савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда йигирмадан ортиқ қизлар касбга тайёрланиб, сертификатлар берилди. Навоийда ўтказилган меҳнат бозорида 103 киши, шу жумладан 40 нафар хотин-қиз шаҳар корхона ва ташкилотларига ишга юборилди.

Хотин-қизлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳасида фаол иштирок этмоқдалар. Вилоятнинг Кармана туманида аёллар манфаатини муҳофазалаш, муаммолар ечимини топишга алоҳида эътибор берилаяпти. Қадимдан ўзининг ҳунармандлик, гиламчилик, зардўзлик, чеварлик маҳорати билан машҳур бўлган муқаддас заминдан юзлаб тадбиркор аёллар етишиб чиқди.

Тадбиркорлик нафақат аҳоли бандлигини ошириш, балки оилалар бюджетини ва дастурхон тўкинлигини таъминлашга хизмат қилаяпти. Туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан қирқта кам таъминланган оилага 3 мингта товуқ бепул тарқатиб берилди. “Варқ” маҳалласида тузилган, Фотима Иброҳимова раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги томонидан Янгиариқ қишлоқ фуқароларига боқиш учун 300 та парранда берилди.

Қодир Раҳимов номли хўжаликдан 3 гектар ер олиб мевазор боғ яратган Фотима опанинг даласига кирган кишининг чиққиси келмайди. Шарофат опа Раҳматова бошлиқ “Исмат бобо” фермер хўжалиги 10 гектар майдонда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирмоқда. Хўжаликнинг бўш ётган клуби таъмирланиб, маҳаллий қизларга халқ амалий санъати сирларини ўргатиш учун ўқув маркази очилди.

Уйрот қишлоғида яшовчи Марям Аъзамова бешик ва сандиқ тайёрлашни йўлга қўйди. Тошкентдаги “Машҳура” ўқув марказида малакасини ошириб, Навоий шаҳрида ҳам халқ ҳунармандчилиги цехларини ишга туширди. Туман марказида ва Ибн Сино номли ширкат хўжалигида сартарошлик, тикувчилик ва қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар ташкил этилиб, 100 дан ортиқ хотин-қиз ишга жалб этилди.

Пиллани қайта ишлайдиган Ўзбек - Сингапур қўшма корхонаси, Маликробод қўрғонида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фойдаланишга топширилгач, янгидан 800 та иш ўрни очилади. Завод цехларида 400 нафар касб-ҳунарли қизларнинг ишлаши режалаштирилган. Бултур туман бўйича 500 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилган бўлса, кейинги икки йилда уларнинг сони беш бараварга кўпаяди.

Қишлоқ жойларида яшайдиган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошмоқда. Ўз оиласини муқаддас билиб, фарзандларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаётган онахонларимиз билан фахрланамиз. Қарийб ярим асрдан бери “Томди” ширкат хўжалиги яйловларида чўпонлик қилаётган Баян опа Бекмуродова ана шундай қалби дарё, меҳри дунё аёллардан бири.

Овулдошлари ўртасида “Чўл маликаси” деб ном олган Баяной турмуш ўртоғи Абдулла Тўлепов билан 5 нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказди. Айни пайтда иккита бир-биридан ширин набиралари бор. Намунали оила бекасининг ҳаёти яйловда ўтишига қарамасдан болалар тарбияси билан шуғулланишга ҳам вақт топади.

Отаридаги 670 бош совлиқнинг ҳар юзидан 120 тадан қўзи олиб, қоракўл тери ва жун тайёрлаш шартнома режаларини ошириб бажарди. Умумий ҳисобда 10,5 миллион сўм даромад олинган бўлса, унинг 4 миллиони иш ҳақи, мукофот, қўй-қўзи ва дивидент сифатида оиланинг ўзига қайтиб келди. Шаҳар марказидан юзлаб километр олисда яшаб, меҳнат қилаётган Баян опалар оиласи бахтли ва фаровон турмуш кечирмоқда.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири



КОРХОНА ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Айни кунларда Оқдарё туманида «Янгиқўрғон» пахта тозалаш заводи қурилиши жадал суръатларда давом эттирилаяпти. Уни каттақўрғонлик бунёдкорлар барпо этмоқда. Шунингдек, Пойариқдаги 130-, Самарқанднинг 2522-автокорхоналари жамоаси ҳам бу хайрли ишда ўз улушини қўшяпти.

Қурувчилар ушбу корхонани тез кунларда бунёд этишга аҳд қилишган. Шу боис улар ҳар бир ишни сифатли, унумли бажаришга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг бундай жадал, тез суръатларда ишлаши учун барча шароит яратилган. Хусусан, ҳар куни иссиқ овқат бериляпти.

Завод ишга туширилгач, 45 минг тонна пахтани қайта ишлаш имкониятига эга бўлади. Унинг афзаллиги шундаки, бу ерда барча жараёнлар бир-бирига туташ цехларда амалга оширилади. Тола ажратиш, чигитни туксизлантириш, толани зичлаш, омборхона ва электрон тарози фаолияти янада такомиллашган. Бу эса корхона равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Суратда: электр пайвандчи Шамсиддин Ҳайдаров.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган сурат

ИРМОҚЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Тунда тоғлар ваҳимали кўринади. Асрлар шамоли емирган қоялар, баланд қирлар оралаб кетган сўқмоқлар, яшиллик либосини кийган қуюқ арчазорлар сув тўла улкан шокосани бунёд этаётган қурувчилар ғайратига-ғайрат қўшаётгандек.

Қудратли экскаваторлар, бульдозерлар сурган тупроқ, тош- шағални «КАМАЗ» ва «МАЗ»ларга, тинимсиз юклайди. Вахта усулида олиб борилаётган қайноқ меҳнат бир зум тўхтамайди. Тоғ жинсларидан улкан дамба қад кўтараяпти. Сув ўтказадиган йирик тунель, ёрдамчи канал қурилаяпти.

Сурхон воҳаси иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган Тўпаланг сув омбори ва ГЭСи оби-ҳаёт ҳамда электр энергияси таъминотини яхшилашга муносиб ҳисса қўшади. Лойиҳа қиймати 500 миллион куб.-метрли сув омбори ва 175 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станция фойдаланишга топширилса, 100 минг гектардан ортиқ ер сув билан таъминланади, қўшимча 37 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. Шаҳар ва қишлоқлардаги минглаб хонадонлар электр энергияси билан чароғон бўлади.

Иншоотни бунёд этиш ўтган аср 80-йилларининг бошларида бошланган эди. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу ерда қурилиш- ускуналаш, тупроқ суриш ва бетон ётқизиш юмушлари анча жадаллашди. Сув омбори тўғонининг баландлиги кўтарилиб, тўпланган об-ҳаёт ҳажми 100 миллион куб.метрдан ошиб кетди.

Ҳисор тоғ тизмалари ёнбағрида, баланд қир-адирлар орасида барпо этилаётган йирик иншоот мустақиллик қурилиши сифатида тарихга кирди. Жорий йилда қурилишда 645 миллион куб.метр. тоғ жинсларини ташиб келтириш ва тўғонни янада мустаҳкамлаш, қирғоқларни бетонлаштириш режалаштирилган. Иш мураккаб тоғ шароитида олиб боriляпти. Қояликлар ва харсанг тошларни портлатиш, пармалаш, тунел очиш, янги сув ўзанини барпо этиш ишлари туну кун давом этмоқда.

Бойсун туманида сел сувларини сақлаш ва ундан халқ хўжалигида фойдаланиш учун яна бир тўғон қурилаяпти. Унинг битказилиши нафақат сел тошқинлари ва табиий офатларнинг олдини олиш имконини беради, балки катта майдонлардаги экинзорларга сув чиқариш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Жанубий Сурхон, Тўпаланг, Учқизил сув омборлари, Олтинсойдаги Дегрез кўлидан сув оладиган Бойсун ва Бандихон туманлари деҳқонлари ғалла парвариши ва ғўза вегетацияси даврида об-ҳаёт етишмовчиликларидан қийинчиликларга дуч келишар эди. Аграр тармоқдаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида «Ғайрат» фермерлар уюшмасидаги Ханбаралисой кенгликларида 1,5-2 миллион куб.метр об-ҳаёт тўплайдиган иншоот қурилишига киришилди.

Қарийб 1 миллион 300 минг куб.метр тоғ жинслари сурилиб, секундига 44,6 куб.метр сув ўтказадиган, ҳар бири 147 метрли 2 та тунел барпо этиш режалаштирилган. Бунёдкорларнинг фидойи меҳнати билан 14 метр баландликда 1,-1,5 миллион куб.-метр об-ҳаётни сақлаб турадиган тўғон қад кўтаради. Янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши Кафирнихон ва Бандихон даштларида 2 минг гектар яйлов ерларини ҳам ўзлаштириш имкониятини яратади.

Ўтказилган тендер танловида ғолиб чиққан «Тўпаланг ГЭС» қурилиши масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқда. 100 минг куб.метрдан ортиқ тоғ жинслари сурилиб, тўғон қурилишига келтирилди.

И.ИСОМИДДИНОВ

МЕТАЛЛУРГЛАР

Янги ўқув йили арафасида Бекобод шаҳридаги бешта мактабда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишга «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, шаҳардаги 13-мактаб биноси анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. Комбинат қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қисқа вақт мобайнида уни капитал таъмирдан чиқариб, иситиш, ёритиш тизимини янгилади. Янги спорт зали, ошхона қурилди. Қатор фан кабинетлари, компьютер синфи, ўқув-лаборатория хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мактаб атрофи ободонлаштирилди.

- Айни кунларда шаҳримиздаги яна ўнта мактабда қурилиш- таъмирлаш ишларини бажаряпмиз. Уларнинг бештаси янги ўқув йилида фойдаланишга топширилади, - дейди мазкур қурилиш бошқармаси бошлиғи Ўктам Алимов. - Мактабларнинг стол-стул, парталаридан то китобларигача янгиланмоқда.

Ўтган йили корхона маблағи ҳисобидан тўртта мактаб тўла таъмирланган эди. Бу йил олтита мактабда капитал таъмир, тўрттасида капитал реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

БИРИНЧИ СИНФГА БОРУВЧИЛАРНИ

Президент совғалари кутмоқда

Халқ таълими ходимларининг бу йилги август ўқув семинар-кенгаши Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3-босқичи вазифалари жадаллик билан амалга оширилаётган, таълим йўналишида янги ислоҳотлар ўтказилаётган даврга тўғри келди.

Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонидан сўнг таълимни ислоҳ қилиш соҳасида кенг имкониятлар вужудга келди. Давлат таълим стандартларига жавоб берадиган ҳам миллий, ҳам методик жиҳатдан пухта бўлган замонавий ўқув адабиётлар ва методик қўлланмалар билан таъминлаш комплекс тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

Охунбобоев туманидаги 9-,13-мактаблар капитал реконструкцияга, 10-,50-мактаблар жорий таъмирлашга киритилган. Шу мақсадда республика бюджетидан 752 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Ҳомийлик ёрдами 17,6 миллион сўмни ташкил қилди. Дастурнинг яна бир йўналиши мактабларни замонавий жиҳозлаш, ўқув-лаборатория, асбоб-ускуналар билан таъминлашдир. Шу мақсадда тумандаги 9-,10-,13-,21-,50-мактабларга компьютер синфлари, лингафон хоналари, химия, физика, биология синфлари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари олиб келинди.

Мактабларни малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш орқали ўқувчилар билимини, малака ва кўникмаларининг умумий самарадорлигини ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Низом асосида самарали тизим яратилди. Барча фанлар бўйича кадрлар билан тўлиқ таъминлашга эришилди. Бу нафақадаги ўқитувчиларни ҳамда олий ўқув юрти битирувчи талабаларини жалб этиш орқали амалга оширилди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида айниқса, қишлоқ жойларида спорт иншоотлари барпо этиш, мактаблар спорт майдонларини таъмирлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада туманда бир қатор ташкилий, амалий ишлар қилинди. Хусусан, 32 та спорт зали, 38 та футбол майдони, 69 та волейбол, 47 та баскетбол, 10 та мини футбол, 25 та қўл тўпи майдонлари қайта таъмирланди. Уларда спортнинг 11 та тури бўйича 520 дан ортиқ тўгараклар ташкил этилиб, уларга 13700 нафар ўқувчи жалб этилди. Ўтган ўқув йили мобайнида ўқувчилардан кик-боксинг бўйича 3 та мамлакат чемпиони, 5 та Марказий Осиё чемпионати совриндорлари етишиб чиқди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида вилоятда 5-ўринни эгаллашга сазовор бўлинди.

2005-2006 ўқув йилида 2870 нафар бола 1-синфга қабул қилинади. Уларга Президентимизнинг 12 хил совғалари ҳозирлаб қўйилган. 30 августгача тумандаги барча таълим муассасалари кузги-қишки мавсумга тайёр ҳолга келтирилади. Шу кунгача 2159 тонна ёқилғи захираси омборхоналарга туширилди.

З.БОЛТАБОЕВ,
«Ишонч» мухбири

ХОМАШЁ МАҲТАЛ БЎЛМАЙДИ

Кичик бизнес имконияти

Навоий вилоятининг Томди тумани чорвачиликка ихтисослашган. Бир томони Қозоғистон давлати чегараларига қадар чўзилиб кетган бепоён кенгликларда аъло навли қоракўл тери ва жун берадиган минглаб қўй-қўзилар, сергўшт йилқи ва туялар боқиляпти.

Илгарилари машаққат билан етиштирилган қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлашда қийинчиликларга дуч келинар эди. Шу боис туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар маҳаллий хомашёдан халқ истеъмол моллари тайёрлайдиган 8 та кичик корхона ташкил этди. Айни пайтда улар томонидан ҳар йили 70-75 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатиляпти. Дастлаб ширкат хўжаликлари тасаррруфида тузилган ёрдамчи цехлар бугунги кунда мустақил фаолият юритадиган, фойда кўриб ишлайдиган юридик субъектларга айланди.

Утемуром қўрғони марказдан анча олисда, қир-адирлар бағрида жойлашган. Бизнинг «Жигер» кичик корхонамиз вужудга келиши чорвадорлар учун бир мунча қулайлик яратди. Қоракўл тери ва жун сотиш учун харидор излаб юрган аҳоли эндиликда маҳсулотларни корхонага топширадиган бўлишди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилганлиги бошлаган ишларимизга қанот бағишлади. – Биринчидан хомашё етиштирувчилар қўлида кўп туриб қолмайди. Иккинчидан ўнлаб маҳаллий ёшлар касбга ўқитилиб, иш билан таъминланди.

Корхонада йил давомида 20-22 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланмоқда. Йилнинг ўтган ойларида 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Замонавий тикиш машиналари ва ускуналари билан жиҳозланган кичик бизнес субъектда 15 нафар ҳунарманд аёл ишлайди. Чеварлар қўлидан чиққан қоракўлли куртка ва шубалар, сур телпаклар, жунли нимчалар мижозларга манзур бўлаяпти.

Даставвал ишни шогирдликдан бошлаган Ўразгул Кожаҳмедова, Гулбону Рустамова, Марям Есбергенова, Фарида Муҳаммаджонова сингари тикувчи ва бичувчилар айни пайтда ёшларга устозлик қилишяпти. Ишчиларга ойлик маошдан ташқари қўшимча мукофот пуллари ҳам бериб бориляпти. Тайёрланаётган нимча, телпак, куртка ва пальтолар ўзининг юқори сифатлилиги, тиллоранг товланиши, хушбичим дизайни, замонавийлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам тайёр буюмлар савдода кўп туриб қолмайди.

«Бирлик» қоракўлчилик ширкати ва аҳоли хонадонларида етиштирилган хомашё корхона эҳтиёжларини тўлиқ қондиролмаяпти. Тайёрловчилар ферма ва отарларни, овулларни айланиб, қоракўл тери ва жун харид қилишади.

Тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолияти, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлардан мамнунмиз. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қароридан руҳланган ҳолда эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз.

Сифатли маҳсулотга талаб катта. Қизилқумдаги геологик экспедиция ташкилотларидан тушган буюртма бажарилиб, 3 миллион сўмлик қишки кийим-кечаклар тайёрланди. Истиқлол шарофати билан мулкдорларга айланган кичик корхона жамоаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, маҳсулот тури ва миқдорини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

С.МУҲАММАДЖОНОВ,
Томди туманидаги «Жигер» кичик корхонаси раҳбари

ЭГАЛАРИГА МУНТАЗИР

Навоий вилоятининг Кармана туманидаги бундан 70 йил муқаддам қурилган Ф.Хўжаев номли 2-мактаб биноси хароб аҳволга тушиб қолган эди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан унинг ўрнида 630 ўринли, икки қаватли янги бино қад ростлади. Замон талабига тўла жавоб берадиган ўқув даргоҳида 16 та синфхона, мажлислар ва спорт заллари, ўқув устахонаси ва ошхона бор.

Шунингдек, Ибн Сино, Фитрат, Алишер Навоий номидаги мактаблар ҳам капитал ва жорий реконструкция қилинди. Айни пайтда тумандаги 28 та мактабнинг барчаси янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ

ислоҳотларининг янги босқичи ва бу борадаги дунё тажрибаси

Мустақиллик йилларида эришилган улкан муваффақиятлардан бири бу суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти билан боғликдир. Ҳаттоки, хорижий ҳуқуқшунослар, мутахассислар томонидан Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони Республика рахбариятининг дадил қадами сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин КОМИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам айнан шу мавзудадир.

- Ҳозирги кунда дунё ҳуқуқшунослари ўртасида ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан қандай назарий йўналишлар мавжудлиги хусусида тушунча берсангиз.

- Дунё ҳуқуқшунослари ўртасида бу борада учта назарий йўналиш мавжуд:

биринчиси, ўлим жазосини зудлик билан бекор қилишни ва қонунчиликка киритишни тарғиб қилиш;

иккинчиси, ўлим жазоси тайинланишини қўллаб-қувватлашади. Уларнинг фикрича жиноятчини жисмоний йўқ қилиш жамиятни оғир жиноятлар содир этувчи шахслардан озод бўлишини таъминлайди;

учинчиси, ўлим жазоси тайинланишини қўллаб-қувватлаган ҳолда уни секин-аста қисқартириб бориш ва бекор қилиш тарафдорларидир.

Маълумки, ўлим жазоси инсоният томонидан қўлланилаётган энг қадимий жазо турларидан ҳисобланади. Бу аввало қонли ўч олиш одатларидан келиб чиққан. Бундай жазонинг қўлланилиши қадимги вақтларда барча халқлар ва элатлар учун одатий ҳол ҳисобланган.

Инсоният тарихи давомида ўлим жазосини қўлланилиши бўйича тарафдорлар ва қаршилар етарли даражада бўлган. Аммо бизга маълум бўлганидек, бу жазонинг қўлланилиши бўйича тарафдорларнинг кўплиги туфайли у ҳозирга қадар дунёнинг кўпгина мамлакатларида қўлланиб келинмоқда.

Эрамиздан олдинги VI асрда яшаб ўтган Афина давлатининг подшоси Перикл ўлим тўшагида ётганда унинг яқинлари ҳаёти даврида қурган бинолари, орттирган бойликлари, ортида қолаётган фарзандлари ҳамда бошқа яхши ишлари ҳақида мақтов сўзлари айта бошлашибди. Шунда Перикл мени энг яхши мақтовга сазовор бўлган хизматим 30 йил подшолик қилган давримда бирон маротаба ҳам ўлим жазоси қўлламадим, халқимга шуни айтинглар, деган экан.

Ўлим жазосига ҳукм этишликнинг салбий томонларидан бири шуки, бу фақат шу жиноятчини жисмонан йўқ қилиш эмас, балки унинг яқинлари ва қариндошуруғларини ҳам жамият ичида изза бўлишига, уларни маънавий азобланишларига олиб келиши мумкин.

- Демак, ўлим жазосининг қўлланилиши бу бир шахсга эмас, балки жамоага нисбатан чиқарилган ҳукмга айланиб қолади, деганими?

- Ўлимга маҳкум этилганга нисбатан жазо ижро этилгач, у ҳеч нарсани пайқамай ўзга дунёга равона бўлади. Жамоатчилик орасида яшаётган ва ҳали кўпгина яхши ишлар қилиши лозим бўлган маҳкумнинг яқинлари эса ўзларидан бу доғни умрбод кетказа олишмайди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилингандан сўнг шундай вазият пайдо бўладики, яъни бунда ҳар бир шахс ўзининг шахсий хавфсизлигига тўлиқ ишонади, яқинларига ва бошқа фуқароларга ишонч кўзи билан қарай бошлайди, давлатга нисбатан ҳам муносабати ўзаро ишонч асосида уйғунлашади.

- Биламизки, собиқ Иттифоқ замонида, аниқроғи 1930 - 1940 йиллар оралиғида ўлим жазоси тайинлаш одатий ҳолга айланганди. Шўроларнинг бешафқат қонунларидан қанчадан-қанча оилалар азият чекди, фарзандлар етим қолди. Минглаб ватандошларимиз суд ҳукмисиз ўлимга маҳкум этилди. Жазонинг ва қонунларнинг адолатсизлиги, шафқатсизлиги туфайли яқин ўтмишда "Ўзбек иши" бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг тақдири ҳаммамизга маълум...

- Тўғри, у кунлар ҳар биримиз учун катта сабоқ. Эътиборлиси шуки, республикамиз Мустақилликка эришган дастлабки кунлардан эътиборан ўлим жазосини бекор қилиш ва уни босқичма-босқич жазо туридан чиқариб ташлашга оид ҳаракатлар амалга ошириб келинаётганлиги барчамизга аён. Конституциямизнинг 24-моддасида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", деб таъриф берилган.

Дунё амалиётида ўлим жазосини бекор қилишнинг бешта ижобий асоси мавжуд:

биринчидан, ҳақиқатда мавжуд бўлган суд хатосини тўғрилаш имконияти;

иккинчидан, қонун йўли билан қасддан одам ўлдиришни, яъни жамоатчиликни шу жазони тайинлашга бўлган қизиқишини бекор қилиш;

учинчидан, ўлим жазоси тайинланишининг фойдаси йўқлигидир. Зеро, жиноят қонунчилигида ўлим жазосининг борлиги оғир жиноятлар содир этилишининг олдини ололмаслиги исботланган;

тўртинчидан, жиноятларни содир этилишига сабаб бўладиган ҳолатлар жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига боғлиқлиги;

бешинчидан, ўлим жазоси тайинланган маҳкумларнинг ўлим камераларида жазонинг ижросини кутиб ярим умрларини ўтаб қўйиши натижасида тайинланган ҳукмнинг қандайдир бемаъни механизмга айланиб қолиши.

Шу билан бирга ўлим жазосига ҳукм қилишнинг энг асосий далили сифатида унинг адолатсизлиги дейиш мумкин. Адолатсизлик эса ўлим жазосининг назарияси ва амалиётининг қуйидаги нуқтаи назарларида намоён бўлади:

- ўлим жазосини қўлланилишининг ўзбошимчалиги;

- қийноқлар остида олинган далиллар бўйича адолатсиз суд жараёнининг бўлиб ўтиш хавфи;

- бошқа иркка ва кичик миллатларга оид бирон-бир шахсга нисбатан ўлим жазоси қўлланганда уларнинг барчасига нисбатан ҳукмнинг таҳқирловчи характерга эгалиги.

Шу сабабли "Халқаро амнистия" ташкилоти пайдо бўлгандан бери адолатсиз ўлим жазосини бекор қилиш масаласи юзасидан бутун дунё мамлакатлари ва халқларини жипсликка чақиради.

Юқорида қайд этилганлардан равшан бўладики, ўлим жазосини бекор қилиш учун мамлакатимизда етарли асослар бор. Қолаверса, бизларга содир этилган жиноятлар учун суд томонидан тайёрланаётган жазонинг оғирлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги аҳамиятлироқдир. Статистикадан маълум бўлишича, бугунги кунда дунё мамлакатларининг ярмидан кўпи ўлим жазоси тайинланишини мумкин бўлган моддаларни ўзларининг қонунларидан чиқариб ташлаган. Масалан, ўлим жазоси 67 мамлакатда тўлиқ бекор бўлган бўлса, 14 та мамлакатда оддий жиноятларга нисбатан бекор қилинган, 23 та давлатда эса ўлим жазоси жиноят кодексларида бор, лекин у амалда қўлланмайди.

"Халқаро амнистия" ташкилотининг ҳаракатлари натижасида XX асрнинг 90-йилларида 25 та мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди. Осиёда - Камбоджа, Гонконг, Непал; Европада - Озарбайжон, Болгария, Грузия, Греция, Литва, Молдавия, Польша, Руминия, Испания; Африкадан - Ангола, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси; Лотин Америкасидан - Парагвай; Океаниядан - Янги Зеландия шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоиз, ушбу мамлакатлардан 4 таси ўлим жазоси тайинланишини қайтадан жиноят кодексига киритишди. Бу ерда Непал давлатида жиноятлар жуда кам содир этилса-да, ўлим жазоси тайинланишига қайтадан қайтилганлиги ғоятда таажжубланарлидир.

Ўлим жазосини бекор қилиш бўйича биринчи Халқаро конференция 1979 йил Швециянинг Стокгольм шаҳрида чақирилган. Конференция бўлиб ўтгандан сўнг 16 мамлакат ўзларида мавжуд бўлган ўлим жазосини бекор қилди. "Халқаро амнистия" ташкилоти томонидан тайёрланган маълумотларга эътибор берсак, ўлим жазосини бекор қилиш бўйича бажарилаётган ишларнинг кўлами кўз ўнгимизда яққолроқ намоён бўлади. Масалан, 1997 йил давомида 2607 та ўлим жазоси 40 та мамлакатда ижро этилганлигини қайд этди. 2002 йилдан бери ўлим жазосини бекор қилиш куни сифатида 10 октябр бутун дунёда нишонланади. Боиси, шу куни бу жазо турига қарши бутун дунё коалицияси ташкил топган, "Халқаро амнистия" ташкилоти ҳам унга қўшилган.

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ҳақида ҳам тўхталсангиз.

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 5-қисмида 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди, дейилган. Республикамизда амалдаги Жиноят кодексига биноан аёлларга, вояга етмаганларга ва қўшимча равишда 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан ўлим жазоси тайинланмайди. Дунё ҳамжамияти ўлим жазосини умуман бекор қилиш учун астойдил кураш олиб бораётган бир вақтда вояга етмаганларга ўлим жазоси тайинлаш бўйича АҚШ, Нигерия, Покистон, Саудия Арабистони, Эрон давлатлари бу жазо турини аёвсиз равишда қўллашмоқда.

2005 йил 21 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан ўлим жазосини бекор қилишга оид резолюция қабул қилинди. Резолюцияда дунё мамлакатларининг барчаси томонидан ўлим жазосини бекор қилиниши талаб қилинади. Ўлим жазоси қўлланилаётган мамлакатлар эса бу жазо турига нисбатан мораторий қўллашлари ва вояга етмаганларга ҳамда руҳий хасталарга нисбатан ўлим жазоси умуман қўлланмаслигини қатъий тарзда кўрсатиб ўтади. Бу жазо турининг амалиётда қўлланмаслиги жиноятчиликни пасайишига олиб келади. Буни БМТнинг 1996 йилдаги хулосаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, Канадада 1975 йилда ҳар юз минг одамга учта одам ўлдириш жинояти тўғри келган бўлса, ўлим жазоси бекор қилингандан сўнг 80-йилларга келиб бу кўрсаткич 2,5 тага, 1993 йилга келиб эса 2 тага тушган. Ҳозирда янада пасайган. Ўлим жазосини бекор қилишнинг асосий далили сифатида айбсиз шахсларга судларнинг хатосига кўра асоссиз ўлим жазоси тайинланишидир. Масалан, АҚШда 85 йил давомида 350 та айбсиз шахсга нисбатан ўлим жазоси тайинланган бўлса, шулардан 23 таси бўйича ҳукм ижро этилган.

Бизнинг мамлакатимизни оладиган бўлсак, Президентимиз Фармонида ўлим жазосини биратўла бошқа жазо тури, яъни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши кўзда тутилган. Эътиборлиси шуки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг босқичма-босқич, изчил амалга оширилиши шарофати туфайли инсонлар онгидаги салбий тушунчалар секин-аста адолат, одиллик, эзгулик каби жиҳатлар билан алмашинмоқда.

Суҳбатдош: М.ИЛЁСОВ

ХОДИМНИ БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Савол: бўлим бошлиғини ўз меҳнат вазифасини тўлиқ бажармаганлиги учун мутахассислиги бўйича оддий ходим лавозимига ўтказиш мумкинми?

О.ПАРПИЕВ,
Паркент тумани

Жавоб: амалдаги Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимни бошқа ишга ўтказиш дейилганда унинг меҳнат вазифасини ўзгартиришгина, яъни унга бошқа мутахассислик, малака бўйича иш ёки лавозимни топшириш тушунилади. Бўлим бошлиғини ўз вазифасини бажармаганлиги учун иш берувчи томонидан мутахассислиги бўйича уни оддий ходим лавозимига ўтказишлик, бу ходимни бошқа доимий ишга ўтказиш демакдир. Ходимни бошқа доимий ишга ўтказишда албатта, Меҳнат кодексининг 92-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилиниши зарур. Бу модда талабига асосан ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга, яъни уни бошқа доимий ишга ўтказишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Меҳнат кодекси ходимнинг бошқа ишга ўтказилишига розилигини фақат ёзма равишда расмийлаштиришни талаб қилади.

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бу буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади ва ходимга имзо чектириб таништирилади. Ходим бошқа доимий ишга ўтказилганда буйруқда унинг муддати кўрсатилмайди, яъни буйруқда ходим бошқа доимий ишга ўтказилди деб ёзилмайди. Сизнинг саволингиздан маълумки, бўлим бошлиғи ўз вазифасини бажармаганлиги учун бошқа вақтинчалик ёки доимий ишга ўтказилишига йўл қўйиладими демоқчисиз.

Ходимни у қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар, ўз меҳнат вазифасини бажармаганлиги учун вақтинчалик ёки доимий бошқа ишга ўтказилишига меҳнат қонунига асосан умуман йўл қўйилмайди. Бу айтилганларга аниқлик киритиш учун Меҳнат кодексининг 174-176-181-моддаларига мурожаат қилиш керак. Ҳар бир корхона, муассасада меҳнат тартибини белгилайдиган касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидалари бўлиши зарур.

Бундан ташқари, маълум бир лавозимда ишлаётган ходимнинг меҳнат вазифалари тўғрисида низом ёки йўриқнома ишлаб чиқилиши шарт. Ички меҳнат тартиби қоидалари, ходимнинг меҳнат вазифалари тўғрисидаги низом ёки йўриқнома ходимга таништирилиши керак. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажармаслиги у меҳнат интизомини бузганлиги деб баҳоланади ва унга нисбатан иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 181-моддасида назарда тутилган қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1)хайфсан;

2)ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилган бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган жарима.

3)охирги чора – меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиши тақиқланади ва қўлланилган тақдирда Меҳнат кодексининг 5-моддасига асосан у ҳақиқий ҳисобланмайди ва мутасадди ташкилотлар томонидан, ходимнинг аризаси асосида, қонунда белгиланмаган интизомий жазо чораси бекор қилинади.

Меҳнат кодексининг 181-моддаси таърифидан кўриниб турибдики, ходимни ўз меҳнат вазифаларини бажармаганлиги ёки интизомий жазо чораси сифатида бошқа ишга ўтказиш қонунда белгиланмаган.

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Қува тумани электр тармоқлари корхонаси жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмолчиларга 458 та янги русумдаги электр ҳисоблагичлар ўрнатди. Ҳар томонлама қулай бўлган мазкур янги электрон ҳисоблагичлар электр сарфи билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқ ҳисобга олиши билан алоҳида ажралиб туради.

Тармоқда фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида ундириш учун «Пахтабанк»нинг Қува туман бўлими билан кўчма касса ташкил этилди, маҳалла фуқаролар йиғини билан коммунал тўловларни ундириш бўйича ишчи гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Айни кунда тумандаги Т.Абдураззоқов, М.Шербутаев ширкат хўжаликлари ҳудудида 2 километр паст ва юқори кучланишли янги электр тармоқлари тортилмоқда. Бу эса ушбу ҳудуддаги минглаб хонадонларни электр энергияси билан таъминлаш борасидаги иш кўламларини янада яхшилайди.

Суратларда: электр тармоқлари корхонаси ходимлари иш фаолиятидан лавҳалар.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Африка қитъасидаги Виктория кўлининг сатҳи кун сайин пасайиб бормоқда. Натижада жиддий экологик муаммолар вужудга келаётир. Биологик ресурслар камайиб, балиқлар йўқолиб кетмоқда.

Ушбу кўл Кения, Танзания ва Угандани бир-бири билан боғлайди ва улар ўртасидаги асосий сув йўлаги ҳисобланади. Бу йўл орқали асосан ёнилғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташилади. Мутахассислар Виктория сувининг камайиб кетишига икки омилни асосий сабаб қилиб кўрсатмоқда. Биринчиси дунё миқёсида иқлимнинг ўзгариб бораётгани бўлса, иккинчиси бевосита инсон омили билан боғлиқ. Яъни, сувдан нотўғри фойдаланиш, кўлга қуйиладиган дарёлар бўйидаги ўрмонзорларни кесиб ташлаш оқибатида ана шундай жиддий муаммо вужудга келган.

* * *

Исроил ҳарбийлари Ғазо минтақасидаги сўнгги яҳудий қишлоғини кўчиришга киришди. Ўтган ҳафта давомида ўз уйини ихтиёрий равишда тарк этган ва мажбурлаб кўчирилган яҳудийлар 8,5 мингдан ошди.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, душанба куни кўчириш ишлари ниҳоясига етиши керак. Ҳарбийлар эса бир неча кун Ғазо минтақасида бўлиб, шахсий буюмларни эгаларига етказиш, биноларни бузиш, синагогаларни кўчириш билан шуғулланади. Шундан сўнг ҳарбийлар ҳам бу ерни тарк этади ва ҳудуд фаластинликлар ихтиёрига топширилади.

* * *

Ҳиндистон ва Бангладеш чегарачилари ўртасида музокара ўтказилди. Унда икки мамлакат чегара ҳудудида ўт очишни тўхтатишга келишиб олинди.

Мазкур муаммо икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳиндистон томони ноқонуний муҳожирлар оқимини камайтириш ва мамлакатга Бангладеш ҳудудидан қўпорувчилар кириб келишининг олдини олишга жиддий эътибор қаратган.

* * *

Италиядаги халқаро аэропортларда «парранда гриппи» вируси тарқалган мамлакатлардан келаётган йўловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий қилинди. Ҳар бир рейс санитария хизмати ходимлари томонидан текширилмоқда. Паррандалар киритилишининг олдини олиш мақсадида эса божхона ходимлари юкларни жиддий назорат қилаётир.

2003 йили Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида ғайриоддий зотилжам касаллиги тарқалган вақтда ҳам Италияда шундай тартиб жорий қилинганди.

(ЎзА)

Янгийўл шаҳридаги 18-сонли махсус мактаб биноси янги ўқув йили олдидан бутунлай қайта таъмирланди ва замонавий спорт зали ҳамда майдончаси ташкил этилди.

Бу ўқувчилар учун мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб совға бўлди, – дейди мактаб директори Бахтиёр Хидиров. – Мактабни капитал реконструкция-лаш ва спорт зали қурилиши учун 154 миллион 612 минг сўмлик иш бажарилди. Шу кунларда ўқув биноси олд қисми ҳамда ички деворларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, мактаб ҳовлиси ва барпо этилган спорт майдончаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.



Хоразм вилоятининг турли ҳудудларида жойлашган етти мактабда яқинда биология хоналари замонавий таълим стандартларига мувофиқ ўқув-лаборатория ускуналар ва махсус мебеллар билан жиҳозланди. Бу қадим воҳада Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг навбатдаги босқичи ижроси натижаси бўлди.

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР - АМАЛДА

- Эътиборли томони шундаки, Урганчдаги энг эски 1-мактабдагина эмас, Гурлан, Боғот, Хонқа, Ҳазорасп ва Шовот туманларининг чекка қишлоқларидаги мактабларда ҳам биология хоналари ва лабораториялар қайта жиҳозланди. Бу умумтаълим мактаблар мазкур фанни ўқитиш бўйича базавий-услубий марказ ва тажриба майдончаси мақомига эга бўлди, - дейди Хоразм вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори Жумамурод Раҳимов. - Эндиги вазифамиз - бу ерда вилоят ўқитувчилари учун семинарлар ўтказиш.

(ЎзА)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Фарғона вилояти маклерияти томонидан 2005 йил 26 августдан қуйидаги объектлар ва давлат улушлари қўйилади:

1. Фарғона шаҳар, "Ўзбекистон овози" кўчаси 14-уйда жойлашган, Халқ таълими бўлимига қарашли 11-сонли "Семурғ" болалар боғчаси (фаолият турини сақлаш шарти билан). **Бошланғич баҳоси - 26089106 сўм,** шундан тўлов қисми 15876276 сўм ва 10212800 сўм миқдоридаги инвестиция киритиш шарти билан.

2. Фарғона шаҳар, "Нозим Ҳикмат" кўчаси 45-уйда жойлашган, Халқ таълими бўлимига қарашли 10-сонли "Ширин" болалар боғчаси (фаолият турини сақлаш шарти билан). **Бошланғич баҳоси - 30311967 сўм,** шундан тўлов қисми 18511967 сўм ва 11800000 сўм миқдоридаги инвестиция киритиш шарти билан.

3. Фарғона шаҳар, У. Юсупов кўчаси 78-уйда жойлашган, Халқ таълими бўлимига қарашли 36-сонли "Гилос" болалар боғчаси (фаолият турини сақлаш шарти билан). **Бошланғич баҳоси - 17116784 сўм,** шундан тўлов қисми 11116784 сўм ва 6000000 сўм миқдоридаги инвестиция киритиш шарти билан.

4. Фарғона шаҳар, М. Қосимов кўчаси 149-уйда жойлашган "Фарғонасувқурилиш" МЧЖ Низом жамғармасидаги 91,1 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 244234300 сўм.**

5. Фарғона шаҳар, Киргули мавзесида жойлашган "Фарғона киновидео" МЧЖга қарашли "Дўстлик" кинотеатри. **Бошланғич баҳоси - 74585200 сўм.**

6. Фарғона шаҳар, Охунбобоев мавзесида жойлашган "Фарғона киновидео" МЧЖга қарашли "Й.Охунбобоев" номли кинотеатр. **Бошланғич баҳоси - 82202800 сўм.**

7. Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 2-уйда жойлашган "Фарғона киновидео" МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 85,25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 90507450 сўм.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун РКМБ Фарғона вилояти филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Фарғона шаҳар, М. Қосимов кўчаси, 35-уй.
Телефонлар: (3732) 24-68-72, 24-68-70.
ФАКС: 8(371) 114-62-35.

Эслатма: *РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Фидокор халқимизни, барча касаба уюшма аъзолари ва фаолларини Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги билан муборакбод этади

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Азиз юртдошлар!

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз барчамизга ҳаяжонли, унутилмас онларни ҳадя этмоқда. Она Ўзбекистонимиздан қут-барака аримасин, омад ва муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!

Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи спорт манежида оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда.

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ТУС ОЛДИ

85 килограмм вазн тоифасидаги эркаклар ўртасида баҳсда хитойлик Занг Веи даст ва силтаб кўтариш бўйича 332 кило натижа билан шоҳсупанинг юқори поғонасини банд этди. Жанубий Корея вакили Жеонг Хуинг-Сеоп 326 килограмм кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллади. 295 килограмм натижага эришган ироқлик полвон Ҳуссеин Муҳаммад бронза медали соҳиби бўлди.

94 килограмм вазнлилар ўртасида 354 килограмм натижага эришган қозоғистонлик Сергей Истоминга тенг келадиган полвон топилмади. Хитой вакили Пенг Фенг 335 килограмм кўрсаткич билан иккинчи, ҳамюртимиз Иван Ефремев эса 330 кило натижа билан учинчи ўринни қўлга киритди.

105 килограммгача бўлган вазнлилар беллашувида 343 килограмм натижа кўрсатган хитойлик Юу Жионг Жие олтин медални қўлга киритди. Кейинги ўринлар 328 килограмм кўрсаткичга эришган Ироқ полвони Алфархон Басер ҳамда ўзбекистонлик Искандар Мўминбековга насиб этди.

Шунингдек, 105 килограммдан юқори бўлган вазнлилар ўртасидаги баҳсларда олтин медал 380 кило тош кўтарган Хитой вакили Лиу Чио Хуига топширилди. Жанубий Корея вакили Лунг Жае-Хоон 311 килограмм кўрсаткич билан кумуш медалга лойиқ топилди. Ҳамюртимиз Александр Тереверзев 277 килограмм кўрсаткич билан бронза медали эгаси бўлди.

Аёллар ўртасидаги беллашувлар ҳам қизиқарли баҳсларга бой бўлди. Унда 75 килограммгача бўлган вазн тоифасида Хитой вакиласи Вонг Жинг Жинг 229 килограмм натижа билан олтин медални қўлга киритган бўлса, унинг юртдоши Ли На 212 килограмм натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни банд этди. 200 килограмм натижага эришган жанубий кореялик Лее Жи Сун учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

75 килограммдан юқори вазнли аёллар орасида хитойлик Ши Ванга 257 килограмм натижа кўрсатиб, барча дугоналарини ортда қолдирди. Қозоғистонлик Мария Гробовецкая 238, ҳиндистонлик Симпле Каур Бхимпах 221 килограмм натижа кўрсатиб, совриндорлар қаторидан жой олди.

69 килограмм вазн тоифасидагилар ўртасида хитойлик Ли Жуан 224 килограмм билан - олтин, Шимолий кореялик Хонг Йонг Оке 222 килограмм билан кумуш, қозоғистонлик Анна Маланичева эса 203 килограмм кўрсаткич билан бронза медал соҳибаси бўлди.

Осиё чемпионати давом этмоқда.

(ЎзА)

Эртани ўйлаб

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори жисмонан баркамол, маънан етук, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялашга қаратилган.

МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ

Қорақалпоғистонда спортнинг қадрига етишади. Алплар юрти ҳисобланган Оролбўйида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Айниқса, марказдан олисда жойлашган овул ва маҳаллаларда масала ечими бирламчи вазифага айланган, десак муболаға эмас.

Республикада болалар спортини ривожлантириш бўйича 2003-2005 йилларга мўлжалланган мақсадли дастур ишлаб чиқилиб, жамғарма томонидан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда биринчи тоифада спорт мажмуалари ва майдончаларнинг лойиҳалари яратилган. Ҳар бир маҳалла, айниқса, кўп қаватли турар-жойлар ёнида спорт майдончалари қуришда маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олинган ҳолда иш тутилаяпти.

Айни пайтда мактаб ўқувчиларининг 31 фоизи спорт билан шуғулланади. Мавжуд 27 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда битта республика футбол мактабида спортнинг 20 дан ортиқ тури бўйича мингдан зиёд секциялар ишлаб турибди.

Маҳаллаларда 440 дан ортиқ спорт зали, 3 мингдан зиёд спорт майдончалари бўлиб, уларда 160 минг бола машғул. Маҳалла ва овулларда истиқомат қилувчи 399 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача болаларни оммавий спортга кенг жалб этиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Тахиатош шаҳри маҳаллаларида ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасидан ўрнак олиниб, барча овулларда бундай оилавий тадбирлар уюштирилди.

Мактабларда 378 та спорт зали, 601 футбол, 728 та волейбол, 581 та баскетбол, 416 та қўл тўпи майдончалари, 620 та югуриш йўлакчаси, 19 та теннис корти ишлаб турибди. «Амударё» соғломлаштириш мажмуидаги сузиш ҳавзаси ўғил-қизлар билан гавжум.

Бугунги кунда ўқувчи қизларнинг 23 фоизи спортнинг 15 тури бўйича мунтазам шуғулланаяпти. Айниқса, бадиий ва спорт гимнастикаси, сузиш, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, миллий кураш қорақалпоқ қизларининг севимли машғулотига айланган. Устоз ва мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жорий йилнинг ўтган даврида қизлардан 5 та спорт устаси, 21 та спорт усталигига номзодлар тайёрланди.

Эркин кураш бўйича спорт устаси Ойнура Ортиқбоева, Ўлжон Тожимуротова, эшкак эшиш спорти ғолиблари Румисай Қолжонова, Гулбаҳор Мадраҳимова, Давлатбека Кенжабаева, таэквандочи Гулнур Тилагенова, енгил атлетикачи Карима Раметова, каратэчи Гулчеҳра Нуржонова, миллий кураш устаси Гулнора Қаниёзова кабилар мамлакат ва халқаро мусобақаларда шоҳсупанинг юқори поғоналарини эгаллаб келишаяпти.

Нукус туман халқ таълими бўлимига қарашли ёшлар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика бўлими фаолият кўрсатмоқда. Тажрибали мураббия Улжон Тожимуротова бошчилигида машқ ўтказаётган Зуҳра Сарсенбоева, Дилноз Жўлдасбаева, Дилфуза Қарлибоева, Дилафруз Жанабоева, Катя Ефримова, Жадира Бозорбоевалар Кегайли туманларида лойиҳа қиймати 153 миллион сўмлик спорт мажмуалари бунёд қилинганлиги ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат беради. Республика марказидаги «Кураш» болалар спорт саройи, «Ёшлик» мажмуаси ва бошқа иншоотлар ҳомийлар маблағи ҳисобидан ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Бундай иншоотлар Мўйноқ туманидаги Шағирли, Қўнғиротдаги «Кўкдарё», Берунийдаги «Қиётобод», Нукус туманидаги «Катта оқар», «Шўртан боғ», «Дарсан», Қораўзакдаги «Маданият», Шуманайдаги «Бирлашик», Қонли кўлдаги «Бескўпир» овуллари, Тахиатош шаҳри ва Тўрткул, Элликқалъа туманларида ҳам фойдаланишга топширилди.

Спортдаги ютуқлар тинимсиз машқ ва маҳорат самараси. Амударё туманидаги Манғит шаҳрида камол топган полвон қизлар Феруза Ҳайтимбетова ва Зулҳижжа Худоёрова нафақат Қорақалпоғистон балки Ўзбекистон шарафини дунё миқёсидаги мусобақаларда ҳимоя қилиб, қувончли натижаларга эришмоқдалар. Улар Россиянинг Тверь, Қирқизистоннинг Ўш, Англиянинг Берфорд шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро турнирда хотин-қизлар ўртасида биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар.

Феруза ва Зулҳижжанинг муносиб шогирдлари Умида Матёқубова, Комила Утегенова, Феруза Одилова, Раҳима Пўлатова, Шаҳло Искандарова сингари полвон қизлар мамлакат бўйича ўтказилган миллий кураш мусобақаларида ғолибликни қўлдан бермай келишаяпти.

Япония пойтахти Токиода ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этган қорақалпоғистонлик иқтидорли спортчи Озод Ешатаев 80 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини доғда қолдириб, Қитъа чемпионлигини қўлга киритди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда Нукусда республика халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан «Болалар спорти иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш» мавзуида амалий семинар-кенгаш ўтказилди. Унда ютуқларни эътироф этган ҳолда нуқсон-камчиликлар танқид қилинди. Хусусан, айрим жойлардаги болалар спорти иншоотларида мусобақалар камдан-кам ўтказилади. Олис овуллардаги спорт майдончалари қаровсиз ҳолда қолиб кетган. Мактаб ўқувчиларини дарсдан кейин спорт машғулотларига жалб этишга етарли эътибор берилмаяпти. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсалар нур устига аъло нур бўлур эди.

Н.НИШОНОВ

САНЪАТ ВА СПОРТ ГЎЗАЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Шайхонтаҳур тумани ҳокимлиги Ибн Сино номли маданият маркази ва «Умид» ёшлар студиясида кўп йиллардан бери турли мавзуларда оммавий-бадиий тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Куни кеча томошабинлар ушбу масканда республика мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Санъат ва спорт гўзалликка чорлайди» мавзусидаги ажойиб тантанага гувоҳ бўлдилар.

Қўш карнайчилар ва қўш сурнайчиларнинг садоси остида 200 дан ортиқ байрам қатнашчилари залга кириб келдилар. Булар орасида машҳур санъат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, фан, тиббиёт, халқ таълими ходимлари Ибн Сино, Бел тепа, Жарариқ, Шодлик маҳалла фуқаролари ва қўшни «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи қишлоқ меҳнаткашлари бор эди.

Тадбирни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси Пўлат Носиров «Ўзбекистон, истиқлол, мустақил диёр» мадҳияси билан очди. Сўнгра марказ қошидаги «Умид» ёшлар қўшиқ-рақс студияси ва болалар рақс ансамбллари доирачилар жўрлигида «Мустақиллик ғунчалари» рақс композицияси ижро этилди.

Ўзбекистон халқ артистлари, давлат мукофотларининг совриндорлари Ёқуб Аҳмедов, Қундуз Миркаримова, «Ниҳол» мукофотининг совриндори Дилноза Мирзахўжаева, хонандалар Раъно Анназарова, Бахтиёр Тўлаганов, Содиқжон Раҳимов, Умаржон Шамсиев, Диёр Маҳкамов истиқлолимизни улуғловчи оромбахш қўшиқларни куйладилар. Ўзбекистон халқ артисткаси Маъмура Эргашева раҳбарлигидаги Мукаррама Турғунбоева номли давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг гўзал ва мафтункор рақслари, кулги табассум ижрочиси Шерқўзи Ғозиев, фольклор-рақс ижрочилари Маҳфуза Боймирзаева, Нодира Тошбоева ва бошқа ёш санъаткорлар даврага алоҳида файз киритдилар.

Ҳамида ҚОСИМОВА, Абдулла ҚУРБОНОВ

Футбол

Миллий чемпионатимизнинг ўн олтинчи турида қайд этилган натижалар билан танишган мухлислар, шубҳасиз, «Самарқанд-Д» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувга эътиборни қаратишади. Сабабки, амалдаги чемпион ушбу мавсумдаги 0:0 ҳисобини иккинчи бор қайд этиши. Аввалгиси Муборакдаги маҳаллий «Машъал» билан кечган ўйинда содир бўлганди. Энди мана кўҳна Самарқандда ҳам шу ҳол такрорланди.

ҲАР БИР ОЧКО ОСОНЛИКЧА ҚЎЛГА КИРИТИЛМАЙДИ

Нима, бу куни кеча барчамизга қувонч бахш этган Қувайт билан беллашувда терма жамоа шарафини ҳимоя қилган футболчиларнинг чарчаб қолганликлари ёхуд Баҳрайн билан бўладиган плей-оффга куч сақлаётганликларидами ёки Баҳром Ҳакимов шогирдлари чиндан-да кучайиб кетишдими? Ҳар ҳолда ўтган турда Фарғонада «Нефтчи» меҳмони бўлганда ҳам жамоа шиддаткор ўйин намойиш этиб, мезбонларни анча қийнаб қўйган, ягона голгина Юрий Саркисян шогирдларига ғалаба тақдим этган эди.

Умуман, ушбу турда биз бир жамоанинг иккинчисидан тўла устунликка эришганига гувоҳ бўлмадик. Фақат «Машъал»гина Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоасини икки тўп фарқ билан, яъни 3:1 ҳисобида енгди. Қолган учрашувларда у ёки бу томон кичик ҳисобда зафар қучди. Турнир пешқадами «Насаф» клуби Жиззахда ёш ўйинчилардан ташкил этилган «Сўғдиёна»ни 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Худди шундай натижа Бекободда ҳам қайд этилди. «Металлург» совринли ўринларга даъвогарлар сафига астойдил ҳаракат қилаётган «Локомотив» ҳимояси қаршилигини енгиб, муҳим уч очкони қўлга киритди.

Зарафшонда эса дарвозаларга тўртта тўп киритилди. Лекин ўйин дуранг билан якун топди. «Навбаҳор» эса чемпионат дебютанти «Шўртан» устидан 3:2 ҳисобида зафар қучди. Ғузорлик футболчиларнинг меҳмонда тўп сурганликларига қарамай мезбонлар дарвозасини икки бор ишғол қилганлиги «Шўртан» тўғри йўлга тушиб олганлигини билдиради. Бу, демакки, чемпионат ўйинлари тобора кескинлашиб боради, ўткинчи учрашув деган тушунчалар барҳам топади.

16-турдан сўнг битта командагина муросасиз баҳс тарафдори сифатида тилга олинадиган бўлди. У – «Нефтчи». Жамоа «Трактор» жамоаси билан бўлган матчни ҳам ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганда дурангдан ғалабага айлантира билди. Биринчи бўлимнинг бошларида пеналтини аниқ бажарган Анвар Бердиев жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса, учрашувнинг 87-дақиқасида заҳирадан майдонга тушган Сергей Баканов ҳисобни тенглаштирди. Гўё барча масалага нуқта қўйилгандек, ҳолат юзага келган бир аснода тожикистонлик легионер Акмал Холматов жарима тўпини қойилмақом тепиб, жамоасига сув билан ҳаводек зарур бўлган уч очкони туҳфа этди.

Кейинги тур 27 ва 28 август кунларига белгиланган. Айтиш мумкинки, ушбу турдан сўнг кўплаб масалаларга ойдинлик киритилади. Энг муҳим учрашув, шубҳасиз, «Пахтакор»-«Нефтчи» ўртасида кечади. «Машъал» эса Тошкентда «Трактор» меҳмони бўлади.

3 сентябрда эса... Баҳрайн билан бўладиган плей-офф учрашуви. У қандай натижани беради, бир чеккаси миллий чемпионатимизда фаолият юритаётган етакчи футболчиларимиз қандай спорт формасида етиб келишлигига боғлиқ. Зеро, ҳар бир ўйин ўзига хос машғулот ҳамдир.

Р.ЗАЙНИЕВ

Турнир жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Насаф»	**16**	**13**	**2**	**1**	**34-14**	**41**
2.«Пахтакор»	**15**	**11**	**2**	**2**	**48-8**	**35**
3.«Машъал»	**16**	**10**	**1**	**5**	**29-16**	**31**
4.«Нефтчи»	16	9	0	7	28-15	27
5.«Локомотив»	16	8	1	7	26-25	25
6.«Қизилқум»	15	7	3	5	22-17	24
7.«Навбаҳор»	16	7	1	8	21-18	22
8.«Самарқанд-Д»	16	6	3	7	16-19	21
9.«Тўпаланг»	16	6	2	8	24-34	20
10.«Трактор»	16	6	1	9	23-28	19
11.«Металлург»	16	5	2	9	21-30	17
12.«Сўғдиёна»	16	5	2	9	10-32	17
13.«Бухоро»	**16**	**5**	**1**	**10**	**23-37**	**16**
14.«Шўртан»	**16**	**2**	**1**	**13**	**11-41**	**7**

Тадбир

ДЎСТЛИК-ҒОЛИБ

Яқинда Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежида Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишлаб Тошкент вилояти халқ таълими ходимлари спартакиадасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Волейбол бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақаларда вилоятнинг Бекобод шаҳри, Бекобод тумани, Бўка тумани, Оққўрғон тумани, Қуйи Чирчиқ туманлари таълим ходимлари иштирок этдилар.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Тошкент вилоят Кенгаши тармоқда меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларни спортга янада кенгроқ жалб этиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ушбу спартакиадани уюштирди.

Ҳудудий босқич мусобақаларини Бекобод шаҳри ва Бекобод тумани жамоалари бошлаб бердилар. Айтиш жоизки, спартакиада ўйинлари қизғин тус олди. Томошабинлар жамоаларнинг ўйинларини олқишлар билан қўллаб-қувватлаб турдилар. Натижада Бекобод тумани биринчи, Бўка тумани иккинчи Бекобод шаҳри жамоаси учинчи ўрин соҳибига айланишди.

Шу куни Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи спорт залида бўлиб ўтган беллашувларда Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри, Олмалиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон, Пскент туманлардан келган педагогик жамоалари майдонга тушдилар. Мусобақанинг бош ҳаками Олмалиқ касб-ҳунар коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси, икки марта Ўзбекистон чемпиони Исмоил Тожибоевнинг таклифи билан майдонга дастлаб Ангрен шаҳри ва Ўрта Чирчиқ тумани жамоалари тушдилар. Шундан кейин муросасиз беллашувлар бошланиб кетди. Мусобақалар якунида Олмалиқ шаҳри жамоаси биринчи, ангренлик иккинчи, Оҳангарон тумани ва Ўрта Чирчиқ тумани вакиллари учинчи ўринларини эгалладилар.

Мусобақа иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар тақдим этдилар.

Ғолиб жамоалари вилоят мусобақаларида қатнашадилар.

Т.ҲАЙДАРОВ

ФИФА РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Куни-кеча ФИФА дунё терма жамоаларининг август ойи учун белгилаган рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра, жаҳоннинг беш карра чемпиони бразилиялик футболчилар ҳали-ҳануз биринчи ўринда боришмоқда. Кучли учликдан эса Аргентина ва Голландия вакиллари ўрин олишган. Шунингдек, Осиё минтақасида плей офф учрашувларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси 561 очко билан 62 поғонани банд этишган. Вакилларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан сўнг учинчи, Осиёда эса кучли ўнликдан ўрин эгаллашган.

"Туркистон-пресс"

«ЁЗГИ ТАЪТИЛ-2005»

Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчилари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасидаги «Ёзги таътил-2005» спорт мусобақаларининг ҳудудий босқич беллашувлари давом этмоқда. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирларда минглаб ўқувчилар қатнашяпти.

Пойтахтимиздаги «Намуна» болалар спорт мажмуида стол тенниси, кураш, дзюдо ва бокс бўйича шаҳар босқичи якунланди.

Дзюдо ва курашда Миробод тумани жамоаси вакилларининг қўли баланд келди. Бокс бўйича Собир Раҳимов тумани болалари умумий ҳисобда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Стол теннисида юнусободлик ёш теннисчилар ғалаба қозонди.

ҚУВОНЧГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Жиззах тумани маркази Учтепа даҳасида болалар спорт мажмуаси барпо этилмоқда. Смета баҳоси 160 миллион сўм бўлган мажмуа барча жиҳатлари билан энг яхши спорт иншоотига айланиши турган гап. Унда 100 нафар ўғил-қиз бир йўла спортнинг 5 тури бўйича шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Волейбол, мини футбол, стол тенниси, енгил атлетика заллари ва томошабинлар ўриндиқлари қурилмоқда. Спорт иншооти мустақиллик куни ишга туширилиши мўлжалланяпти.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раиси Алишер Ғуломовга отаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳамид ҒУЛОМнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ва Марказий Кенгаш раёсати Марказий кенгаш раиси Алишер Ғуломовга отаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳамид ҒУЛОМнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Миргиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - .1.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 12345